



# MILLIY TIKLANISH

29 (246) ● 2013 йил 31 июль, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Юртимизда истиқлол йилларида барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар замирида инсон тақдирини, кадр-қиммати ва фаровон ҳаёти ўз ифодасини топган.



Қашқадарё вилоятининг Дехқонобод туман марказий касалхонаси капитал реконструкция қилинди. Бу ерда, шунингдек, кўп тармоқли поликлиниканинг янги биноси фойдаланишга топширилди.



Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда 510 та музей барпо этилди. Уларда 1,3 миллиондан ортиқ турли нодир экспонатлар сақланмоқда



## 4 ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА

### Хабарлар

#### Ёзги машғулотлар

Пойтахтимиздаги Гёте институти Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети билан ҳамкорликда мазкур олий ўқув юртида немис филологиясини чуқур ўзлаштираётган талабалар ҳамда ёш таржимонлар учун ёзги ўқув машғулотларини ўтказишни режалаштирмоқда.

Жорий йилги ёзги ўқув машғулотлари Чимёндаги оромгоҳда 22-26 август кунлари бўлиб ўтиши кутилмоқда. Ташкилотчиларнинг маълум қилишларича, амалий машғулотлар дастурига мувофиқ талабалар илмий-оммабоп мазмулардаги материаллар ва матнлар таржимаси билан шуғулланади.

#### Фаоллик йўлида

Фуқаролик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш маркази ҳамда Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ҳамкорлигида Европа Иттифоқи комиссияси томонидан молиялаштирилган "Аёлларнинг ижтимоий фаоллиги ва ишбилармонлиги марказлари тармоқларини кенгайтириш" лойиҳаси якунига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Таъкидланганидек, юртимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги нуфузи ва обрўсини ороқсалиштириш, уларнинг тадбиркорликка оид илгор фоя ва ташаббусларини ҳаётга татбиқ этишга қўмақлаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётган. Фуқаролик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш маркази ҳамда Европа Иттифоқининг аёллар йўналишидаги қатор ташкилотлари билан биргаликда "Аёллар ижтимоий фаоллиги ва ишбилармонлиги марказларини ривожлантириш" лойиҳаси 2012 йилнинг апрель ойидан жорий йилнинг июнь ойига қадар Фарғона, Андижон вилоятлари ва Тошкент шаҳрида амалга оширилди. Лойиҳа доирасида аёлларни касбга йўналтириш бўйича ўқув-лабораториялар ташкил этилиб, уларда 660 нафар хотин-қиз тахсил олди. Юзга яқин аёл учун янги иш жойи ташкил этилди. Давра суҳбатида аёлларнинг ижтимоий фаоллиги ва тадбиркорлигини ривожлантиришга оид лойиҳалар қўламини янада кенгайтириш юзасидан фикрлашилди.

#### Иш билан бандлик

Фарғона туман агросаноат касб-хунар коллежида ёшлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Касб-хунар коллежи битирувчиларини иш билан таъминлаш борасида Фарғона вилоятида ҳам мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режаси асосида иш олиб борилмоқда. Касб-хунар коллежларида вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан битирувчилар ҳамда уларнинг ота-оналари билан учрашувлар ўтказилмоқда. Ҳозирги кунга қадар вилоят тижорат банклари томонидан тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагида бўлган ёш мутахассисларга 5 миллиард сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар ажратилди. Семинарда битирувчи қизларга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, бизнес-режа тузиш бўйича батафсил маълумотлар берилди.

## 6 ЖАРАЁН

## 8 КЎЗГУ

## Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!



## ИНСОН МАНФААТЛАРИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар замирида ана шундай мақсад мужассам

*Бугун Ўзбекистон дунёда жадал тараққий этаётган, иқтисодий тарқалган барқарор ўсиш суръатларига эришган, энг асосийси, аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий шароити тубдан яхшилланган, ҳаёт даражаси изчил юксалётган мамлакат сифатида эътироф этилмоқда. Мамлакатимизда мустақилликнинг шакл кўларидан бошлаб амалга оширилаётган ўзгаришларнинг мазмун-моҳиятида "Ислохот ислохот учун эмас, аввало, инсон учун" деган эзгу мақсад ётибди ва бу барча ютуқларимизнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда.*

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қароридан эътироф этилганидек, ўтган давр мобайнида босиб ўтган йўлимизни, амалга оширган ишларимизни ҳолисона сарҳисоб қилиб, бугунги ютуқ ва марраларга, аввало, қандай оғир ҳамда машаққатли меҳнат эвазига эришганимизни яна ва яна бир бор кўз ўнгимиздан ўтказишимиз табиийдир.

Ваҳоланки, мустақиллик арафасида ва истиқлолнинг дастлабки йилларида мамлакатимизда,

айтиш жоизки, кескин ижтимоий ва иқтисодий вазият вужудга келган эди. Дарҳақиқат, катта ёшга мансуб авлод мустақил тузумнинг асоратлари натижасида юз берган иқтисодий ва ижтимоий таназзулнинг "анტიқа" турини кўрган, десак ҳеч муболага бўлмайди. Албатта, бу салбий ҳолатлар юртимиз мустақилликка эришганидан кейин ҳам бир неча йилгача ўз таъсирини кўрсатмай қолмади.

Уша пайтда Юртбошимиз аҳолисини биргина халқ истеъмол товарлари билан таъминлашига баҳо бериб: "Республикада аҳоли жон бошига халқ истеъмол моллари иш-

лаб чиқариш ўртача иттифоқ даражасининг атиги 40 фоизини ташкил этаётганлигини, даромад даражаси, асосий турдаги маҳсулотларни истеъмол қилиш жиҳатидан иттифоқдош республикалар орасида энг охириги ўринлардан бирида турганимизни, аҳолисини ўрта ҳисобда гўшт маҳсулотларини, сут ва сут маҳсулотларини, туҳумни бошқаларга нисбатан икки баробар кам истеъмол қилаётганлигини" эслаб, "...ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида энгил саноатнинг улуши кейинги 50 йил ичида 54 фоиздан 37 фоизга, озиқ-ов-

қат саноатининг улуши 30 фоиздан 14 фоизга тушиб қолганлигини, ани вақтда машинасозликнинг улуши шу йилларда атиги 7 кўрсаткичга кўпайиб, атиги 16 фоизни ташкил этаётганлигини, шунингдек, мураккаб уй-рўзгор техникаси, пластмасса буюмлари, озиқ-овқат саноати жиҳозлари, савдо-сотик ва машиини хизмат соҳаси учун керакли асбоб-ускуналар ва шу кабилар деярли ишлаб чиқарилмаётганлигини" таъкидлаган эдилар.

2-бет

### Фракция ҳаёти

## Қонун лойиҳалари муҳокама қилинди

*Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилишида қатор қонун лойиҳалари муҳокама қилинди. Унда фракция аъзолари, вазирлик ва идоралар мутасаддилари, ҳуқуқшунослар, экспертлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.*

Депутатлар дастлаб «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 26-моддасига қўшимча ва ўзгариш киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини атрофлича кўриб чиқишди. Мазкур лойиҳа суғурта қилдирувчиларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган суғурта мажбуриятини бажаришларини давлат бошқаруви органлари томонидан тегишли назоратини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Эътироф этиш жоизки, амалдаги «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 26-моддасининг биринчи қисмида суғурта фаолияти билан боғлиқ айрим маълумотлар ошқор қилинмаслиги белгиланган. Қонун лойиҳасига мувофиқ, таклиф этилаётган қўшимча ва ўзгариш суғурта қилиш мажбурияти бажарилганлигини аниқлаш учун зарур бўлган ахборотни тегишли давлат бошқаруви органларига бе-



риш имкониятини яратди. Йиғилишда «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жаъобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди. Таъкидланганидек, қонун

лоийҳаси таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан тегишли назорат урналишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

2-бет

### Ҳуқуқий эксперимент

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонун лойиҳаси нормаларининг синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказувчи Ишчи комиссияси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ишчи комиссияси, Бухоро ва Самарқанд вилоятлари ишчи гуруҳлари аъзолари, Вазирлар Маҳкамаси, ҳокимликларнинг масъул ходимлари, фуқаролик жамияти институтлари ва ОАВ вакиллари иштирок этди.*


## Ахборот олишнинг ҳуқуқий асослари

уни янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси синови қизгин паллага кирди

2-бет

## "Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



Қонун лойиҳалари муҳокама қилинди

(Давоми. Боши 1-бетда)

Фракция аъзолари «Фермерлик фаолиятини ташкил этиш янада такомиллаштирилиши ва фермерлик ривожлантирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқишди. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатда Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига Фермерлар кенгашларини фермер хўжалиқлари маффаатларини кўзлаб даъво аризаларини тақдим этиш, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилишда давлат божи тўловидан, амалиётга топчилад сугорилиши жорий қилган юридик шахслар томчиликти сугорилаётган ер майдонлари бўйича беш йил муддатга ягона ер солиғидан озод этишни назарда тутувчи қўшимчалар киритилди.

Илгиллишда муҳокама этилган масалалар юзасидан фракциянинг тегишли қарори қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз

Ҳуқуқий эксперимент

Ахборот олишнинг ҳуқуқий асослари

уни янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси синови қизгин паллага кирди

(Давоми. Боши 1-бетда)

Йилгилишда таъкидланганидек, истиқлол йилларида юртимизда фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятини ошириш, мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги иштироки таъминлаш, одамларнинг эркин ахборот олиши, инсонларнинг ахборотни ва шахсий фикрини тарқатиш борасидаги ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлаш борасида кенг қўлмалли ислохотлар амалга оширилди.

Айниқса, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳаси мамлакатимизда кечаётган демократик ислохотларни янги босқичга кўтариш, шу жумладан, ахборот соҳасини ислох қилиш борасида ўзига хос янги қадам бўлди.

Маълумки, Президентимиз қонун лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш, уни янада такомиллаштириш, мазмун жиҳатдан бойитиш, мукамаллигини таъминлаш мақсадида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш ҳақида» Фармойиш қабул қилди. Эътиборлиси, ушбу тажриба нафақат миллий қонунчиликни такомиллаштиришга нисбатан янги равишда бўлишига асос бўлади.

Айни пайтда давлатимиз раҳбарининг ҳуқуқий тажрибани ўтказиш тўғрисидаги Фармойишнинг маънавий тикланиш ва юксалиш даври бўлганлиги кенг тарғиб қилинмоқда. «Мустақиллик — бу, аввало, ҳуқуқдор», «Истиқлол ва миллий қадриятлар», «Мустақиллик — менинг тақдиримда», «Баркамол ёшлар — обод турмуш қалолати», «Обод турмуш — саодат ва фаровонлик тимсоли», «Истиқлол — фуруризм, фахрим» каби тадбирлар шулар жумласидандир.

Шукроналар бўлсинки, бугун халқимиз мана шу тарихан қисқа даврдаги тараққиёт йўлини бошига кўриб ўтган, ҳар томонлама кучга тўлиб, чирой очиб бораётган Ватанимиз қиёфасида дунёни ҳайратга соладиган, юз йилларга қаратилган механизмлар уларга янги имкониятлар яратиш билан бирга катта маъсуляти ҳам юклади. Бу эса партияимизнинг барча даражадаги фаоллари ва депутатларидан демократик бозор ислохотларини ва иқтисодий либераллаштиришни янада чуқурлаштириш соҳасида илгари сурилган устувор вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда

жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилишни талаб этади.

Ўқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, таъкидлаш жоизки, партияимизнинг иқтисодий соҳасида белгилаб олган мақсадларини, жумладан, миллий иқтисодий тизимнинг суверенитети ва хавфсизлигини янада мустақамлаш, ҳуқуқий ва иқтисодий воситаларни янада такомиллаштириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчи ва инвесторларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, миллий хунармандчиликнинг барча турларини, сервис соҳасини ва туризмни ривожлантириш, бутун жамиятга катта зарар етказётган товарлар контрабандасига қарши курашиш асосида миллий бозоримизни ҳар томонлама химоя қилиш каби вазифаларни изчилик билан амалга оширилишини таъминлашимиз зарур.

Шу билан бирга иқтисодийнинг рақобатдошлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаган ҳолда, партияимиз сайловолди Платформасида муҳим ўрин тутувчи маҳаллий хомашё ва материалларни ўзимизда қайта ишлаш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш тизимини янада ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарлари турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш асосида ички бозорларимизни сифатли, арзон ва ҳаридорғир маҳсулотлар билан тўлдириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, энг асосийси, халқимиз фаровонлигини янада ошириш каби мақсадлар ижросида фаоллиқни янада оширишимиз керак бўлади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларда Президентимиз «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат!» деган ғояни илгари сурган эдилар. Назаримизда, ўтган йилгари икки йил мубайнида амалга оширилган улғур ишлар, эришилган юксак марралар тимсолида жонажон Ватанимизнинг келажаги том маънода буюк экани янада аққол намойён бўлмоқда.

Дарҳақиқат, ўтаётган ҳар бир кунимиз бизни истиқлол шодиёналарига тобора яқинлаштирмоқда. Президентимизнинг мустақилликнинг 22 йиллигини муносиви нишонлашга қаратилган қарори ижросини таъминлаш мақсадида жойларда турли тарғибот тадбирлари

2000 йил билан таққослаганда, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромад 8,6 баробарга кўпайган. Ўтган йилда аҳоли даромадларининг миқдори 17,5 фоизга ўсди, энг кам иш ҳақи 26,5 фоизга ошди.

етганига ҳар қанча шукрона айтсак арзийди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон бу ютуқларга, аввало, мамлакатда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, барча соҳаларда изчил ислохотларни амалга ошириш, иқтисодий тизимнинг ривожлантирилиши, уни фаол диверсификация қилиш, ишончли бюджет ва пул-кредит тизимини шакллантириш орқали эришганлигини фахр билан эътибор қилиш керак бўлади.

Мамлакатимизда аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадларни кўпайтириш билан бир қаторда уларнинг яшаш шaroити ва стандартларини яхшилаш, замонавий уй-жойлар билан ҳамда сифатли истеъмол товарлари, шу жумладан, ўзимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан таъминлаш асосида турмуш фаровонлигини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бугун мамлакатимизда оилаларнинг 97 фоизи ўз уйига эга, аҳолининг 90 фоизи узоқ муддат фойдаланиладиган барча асосий товарлар билан таъминланган, ҳар уч оилани бири шахсий энгил автомобилга эга, аҳоли истеъмол маҳсулотлари билан етарли даражада таъминланмоқда.



ИНСОН МАНФААТЛАРИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўлмалли ислохотлар замирида ана шундай мақсад мужассам

жаҳон иқтисодиётида ҳали бери давом этаётган мураккаб жараёнлар ва салбий тенденцияларнинг мамлакатимиз иқтисодиётига кўрсатиши мумкин бўлган салбий таъсирининг олдини олишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Мустақиллик даврида ижтимоий соҳаларни ривожлантириш масалалари давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимизнинг доимий диққат эътиборида бўлди. Жумладан, таълим, тиббиёт, спорт-соғломлаштириш, маданият ва бошқа соҳаларда юқори натижаларга эришилди. Айниқса, шаҳар ва қишлоқларимизни ободонлаштириш, кўркамлаштириш, ҳавас қилса арзийдиган муҳташам биноларнинг барпо қилиниши, замонавий уй-жойларнинг қурилиши истиқлолимиз шарофати туйғулари амалга оширилди.

Барча ҳудудларимизда янги тураржой бинолари, мактаб, кол-

леж, лицей ва университетлар, соғлиқни сақлаш масканлари, халқаро андозларга мос автомобиль магистраллари ва темир йўллар, аҳолига куну тун хизмат кўрсатадиган сервайз бозорлар, тўқин-сочин савдо дўконлари, маъшиий хизмат кўрсатиш шохобчалари, сўлим боғлар, хиёбонлар, дам олиш ҳамда спорт-соғломлаштириш иншоотлари бунёд этиш, шунингдек, буюк аждодларимиз зиёратгоҳларини обод қилиш, тарихий обидаларини тиклаш ишларини ҳар бир юрtdошимиз нафақат кўриб турибди, балки бу ишларга муносив ҳисса қўшмоқда ва ўзлари ҳам баҳра олмақда.

Бугун мамлакатимизда қишлоқларни ободонлаштириш, санoaтни қишлоққа олиб келиш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга, энг муҳими, бу ерда ҳаёт даражасини тобора ошириб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда Давлат бюджетининг аҳамияти беқиёс бўлди. 2000 йилда Давлат бюджети умумий харажатларида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга ажурини амалга ошириш ҳисобидан қарийб 1 миллионга яқин янги иш ўрни ташкил этилди. Бу иш ўринларининг қарийб 62 фоизи қишлоқ жойлари ҳиссасига тўғри келади.

Табиийки, буларнинг барчаси

Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шу билан бирга биламизки, халқимизни ун, дон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, зарур истеъмол товарлари билан таъминлаш каби бошқа муаммолар ҳам кўндаланг турарди.

Ана шундай мураккаб ва оғир шарoитда Юртбошимиз юқоридаги ноҳус ҳолатларни чуқур ва атрафлича таҳлил қилиб, оғир вазминлик билан ўзимизга хос бўлган стратегик ривожланиш йўлини белгилаб бердилар. Бугунги кунда мазкур стратегия жаҳон ҳамжамиятида «Ўзбек модели» деб эътироф этилмоқда. «Ўзбек модели»нинг асосида янги ижтимоий-иқтисодий шарoитларни барпо қилишнинг машҳур беш тамойили мустаҳкам ўрин олган. Улар мамлакатимиз бугунги кунда амалда эришган тараққиёт даражаси учун пухта замин бўлди ва табиийки, келажакда ҳам юксак марраларни забт этишимиз учун пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Устувор тамойиллар бугунги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирoзи шарoитида ҳам ўзининг тўғри ва ишончли эканлигини исботлаб бермоқда.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг ижтимоий йўналтирилган шаклини танлаб, шунга мос равишда тактик вазифаларимиз белгилаб олинди. Айниқса, иқтисодиёт ва бошқарув соҳаларида белгилаб олган йўлларимизнинг тўғри эканлиги бугун ўз исботини топди. Мана шу қисқа давр мубайнида бошқарув соҳасида тоталитар тузумдан демократик тузумга, марказлаштирилган тартибда қайта тақсимлаш механизмидан бозор механизмига, каттик маҳкамачилик ва маъмурий буйруқбозликдан иқтисодий омиллар ва рағбатлантириш тадбирлари асосидаги бошқаруш тизимига ўтилди. Ўзини ўзи бошқариш ва идора қилишнинг янги механизми шакллантирилди. Айтиш мумкинки, мана шу қисқа давр мубайнида бошқарушнинг аслида янги миллий тизими вужудга келди. Унинг вазифалари, ваколатлари ва ҳуқуқ доиралари ҳам шакллани, ҳам мазмунан ўзгарди.

Саноат тармоқларини ривожлантириш, қулай инвестиция муҳитини яратиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, аграр соҳани қайта ташкил этиш,

Яқин беш йил ичида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини камида 60 фоизга ошириш, 2015 йилда унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 2010 йилдаги 24 фоиздан 28 фоизга кўпайтиришни таъминлаш вазифаси қўйилмоқда.

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида изчил олиб борилмоқда. 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотда саноатнинг ҳиссаси 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йил натижалари бўйича бу кўрсаткич 24,1 фоизни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улуши эса 2000 йилдаги 31 фоиздан 54,6 фоизга етди.

«2011-2015 йилларда Ўзбекистон саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги дастурга асосан саноат соҳасида умумий қиймати қарийб 50 миллиард долларни ташкил этадиган 500 дан ортиқ йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш кўзда тутилган.

Яқин беш йил ичида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини камида 60 фоизга ошириш, 2015 йилда унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 2010 йилдаги 24 фоиздан 28 фоизга кўпайтиришни таъминлаш вазифаси қўйилмоқда.

Мамлакатда рақобатдош истеъмол бозори ривожланмоқда ва экспорт салоҳияти ортмоқда. 2012 йилнинг ўзида импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажми 4,6 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Шу боис ижтимоий масалалар ўз ечимини топмоқда, янги иш ўринлари яратилиб, аҳоли иш билан таъминланмоқда ва уларнинг даромадлари ортмоқда. Биргина 2012 йилда мамлакатимизда комплекс чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш ҳисобидан қарийб 1 миллионга яқин янги иш ўрни ташкил этилди. Бу иш ўринларининг қарийб 62 фоизи қишлоқ жойлари ҳиссасига тўғри келади.

Табиийки, буларнинг барчаси

## ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

барпо этишда ёшлар муҳим ўрин тутади

### ҚАШҚАДАРЁ

ЎзМТДП Қашаги туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси, Маънавият тарғибот маркази туман бўлими ҳамда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган тадбир Юртбошимиз Ислам Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” номли китоби мазмун-моҳияти тарғиб этишга бағишланди. Унда партия фаоллари, бошланғич партия ташкилоти етакчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

— Халқимизнинг яқин ўтмиши тасвирланган мазкур асарни мутолаа қилган ҳар бир инсон мустақилликнинг улкан неъмат эканлигини юрак-юрақдан ҳис қилади, - деди ЎзМТДП Қашаги туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси А.Холиқов — Асарни ўқиган китобхон кўз ўнгига мамлакатимизнинг яқин ўтмишидаги ҳаёти, меҳнаткаш, заҳматкаш халқнинг изтироби, миллий қадрият, аънава ва урф-одатларимизни топташга бўлган уринишлар яққол намоён бўлади.

Ушбу китоб юртдошларимизнинг истиқлол мазмун-моҳиятини янада теран англашлари учун асосий манба эканлиги, унда кечаги кун воқеалари ва бугунги ислохотлар моҳияти чуқур таҳлил этилгани таъкидланди.

### САМАРҚАНД

Ёшларнинг спортга бўлган қизиқишларини янада ошириш, ўз иқтидорларини намоиш этишга шарт-шароитлар яратиш ва кўмаклашиш мақсадида ЎзМТДП Оқдарё туман Кенгаши томонидан “Миллий тикланиш соврини учун” шиори остида спортнинг стол тенниси тури бўйича очик турнир ўтказилди. Мусобақада Бухоро, Навоий, Жиззах, Сирдарё, Самарқанд вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси спортчи ёшлари ўзaro голиблик учун куч синашди. Зукколиги ва тиришқоқлиги билан дугоналаридан ҳар жиҳатдан устун келган Шаҳзода Курбонова биринчи ўринни олган бўлса, йигитлар орасида Қодир Раббимов шохсупанинг юқори қисмидан ўрин олди.

— Бугунги спорт мусобақаси бизни нафақат беллашишга, балки вилоятлардан келган тенгдошларимиз билан дўстлашишимизга ҳам сабаб бўлди, - деди совриндор иштирокчи Ш.Курбонова. — Янги орттирган дўстларимиз билан фикр алмашиш, дунёқарашимиз янада кенгайди. Асосийси, партия фаоллари билан бўлган суҳбатда сиёсий партиялар ҳақида кенг тушунчага эга бўлдик.

Тадбир доирасида энг улуг, энг азиз байрамимиз мустақиллигимизнинг 22 йиллиги муносабати билан “Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон” мавзусида расмлар танлови ҳам бўлиб ўтди. Унда ёш ижодкорлар ўзларининг ижодий ишлари билан қатнашдилар.

Мусобақа сўнггида голибларга ҳамда фаол иштирок этган қатнашчиларга партия Оқдарё туман Кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

### НАВОИЙ

ЎзМТДП Кармана туман Кенгаши томонидан “Фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ва сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш жараёнида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси олдида турган муҳим вазифалар” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда партия туман Кенгаши аъзолари, “Аёллар қаноти” ва “Ёшлар қаноти” етакчилари, халқ депутатлари вилоят, туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан партия туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Т.Рустамов мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, аҳоли турмуш даражасини янада юксалтириш, баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ислохотлар натижасида салмоқли ютуқларга эришилаётганини эътироф этди. Бу борада партия сайловолди Платформасида таъкидланганидек, келажагимиз ворислари бўлган ёш авлоднинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, буюк алломаларимиз меросини ўрганиш ҳамда тарғиб қилиш, миллий қадриятларимизни асраш, ёшларимизни миллий вояга содиқлик руҳида вояга етказишга қаратилган тадбирларни янада жонлантириш лозимлигини таъкидлади.

Тадбир сўнггида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

### БУХОРО

Келажагимиз эгалари бўлиши ёш авлоднинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнидаги иштирокини таъминлаш, уларни замонавий билимлар эгаси қилиб тарбиялашга кўмаклашишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси бу борада турли тадбир ва ўқув-семинарлар ташкил этмоқда. Хусусан, ЎзМТДП Олот туман Кенгаши томонидан “Ёшлар — фуқаролик жамиятини барпо этувчи асосий куч” мавзусида ташкил этилган давра суҳбати ҳам юқоридаги вазифаларга қаратилди. Тадбирда партия туман Кенгаши фаоллари, бошланғич партия ташкилоти етакчилари, қишлоқ фуқаролар йиғини вакиллари ҳамда ёшлар иштирок этишди.

Давра суҳбатини кириш сўзи билан очган партия туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари Ф.Нарзуллаев, жумладан, шундай деди:

— Бугун ёшларга замонавий билим олиш, касб-хунар эгаллашлари учун моддий, маънавий ва ҳуқуқий асослар яратилган. Бунинг самараси ўлароқ фарзандларимиз юртимизда рўй бераётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида фаол иштирок этмоқда. Бу каби тадбирлар уларнинг ҳуқуқий билимини бойитишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Таъкидлаш жоизки, жамиятини янгилаш ва ислох этишининг ҳозирги босқичида сиёсий партиялардан янада фаоллик талаб этилади. Хусусан, таъсирчан тадбирлар ташкил этиш орқали ўз дастурий мақсадларини жамоатчилик ўртасида тарғиб-ташвиқ этиш муҳим аҳамиятга эга.

Тадбирда сўзга чиққанлар фуқаролар, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий билимлари юксалтириш, Бош қомусимизни тўла-тўқис англашга интилаётганлари ва ҳар жабҳада юқори чўққиларни забт этаётганликларини эътироф этдилар.

Дарҳақиқат, ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган мақсад ва вазифаларни тарғиб-ташвиқ этишда ёшларимиз фаол қатнашмоқдалар. Партия ҳудудий ташкилотларида ёш авлод сиёсий билимларини ошириш мақсадида турли клублар ташкил этилган. Тадбир сўнггида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

Тўмарис АбЗАМ,  
“Milliy tiklanish” мухбири

### ЎзМТДП дастури — амалда



## “Банк кредитлари — хунармандларга”

партия лойиҳаси доирасида навоийлик 16 нафар хунармандга 120 миллион сўмга яқин имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди

си аъзоси Олимжон Ақиллов, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки кичик бизнесни қўллаб-қувватлашни мувофиқлаштириш департаменти мудир ўринбосари Отабек Азимов хунармандчилик ва оилавий тадбиркорлик субъектларига амалдаги қонун ҳужжатларига асосан яратилган шарт-шароит ва имтиёзлар хусусида атрофлича тушунча бердилар.

Таъкидланганидек, юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар натижасида бугун барча соҳалар қатори банк тизими ва хизматлари ҳам юқори суръатларда ривожланмоқда. Натижада мамлакатимиздаги молия-банк муассасалари томонидан жамиятимиз ривожига салмоқли ҳисса қўшаётган оилавий бизнес хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу ўринда рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, ўтган 2012 йилнинг олти ойи мобайнида хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан жами 2.828 млн. 686 минг сўм маблағ ажратилган бўлса, бу кўрсаткич жорий йилнинг шу даврига келиб 3 млрд. 738 млн. 420 минг сўмни ташкил этган. Ўсиш сурати эса 132, 2 фоизга кўта-

рилган. Ажратилган микрокредитлар ҳақида фикр юритадиган бўлсак, ўтган йилнинг олти ойи давомида соҳа вакилларига жами 558.440 минг сўм ажратилган бўлса, амалдаги йилнинг олти ойи мобайнида 775.218 минг сўм миқдоридagi маблағ оилавий тадбиркорлик ва хунармандчилик билан шуғулланаётганлар учун ажратилган. Мана шу рақамларнинг ўзи ҳам кичик бизнеснинг жамият ижтимоий ҳаёти ва иқтисодийётида тугган ўрни ва аҳамияти нечоғлик катта эканлигини англатади.

Амалий семинарда қайд этилганидек, азалдан Навоий вилоятининг барча ҳудудларида миллий хунармандчиликнинг ўзига хос турлари кенг тарқалган. Нурота ўзининг бетакрор кашталари билан, Қизилтепа тумани зардўзлари, мохир тикувчилари, қадим Кармана халқи эса мохир кулол ва бешиқ-созлари билан машҳур. Соҳани янада юксалтириш борасида эса ҳали амалга оширилмиш лозим бўлган ишлар кўламини кенг. Хунармандларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билим ва кўникмаларини янада ошириш мақсадики жорий йилнинг шу даврига келиб 3 млрд. 738 млн. 420 минг сўмни ташкил этган. Ўсиш сурати эса 132, 2 фоизга кўта-

моҳиятини қадриятларимиз давомчиларига атрофлича тушунтириш каби вазифалар жойлардаги партия депутатлик гуруҳларига янада кўпроқ масъулият юклайди. Тадбирда сўз олганлар мана шу масалалар доирасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Тадбир якунида вилоятдаги бир гуруҳ хунармандларга имтиёзли кредитлар олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

**Ғолиб НАЗАРОВ,**  
**ЎзМТДП Навоий шаҳар Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси:**  
— Амалий семинар жараёнида тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган хунармандларнинг 16 нафарига имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатларнинг топширилиши улар учун ҳақиқий кўмак бўлди, дейиш мумкин. ЎзМТДП ва Марказий банк ҳамкорлигидаги “Банк кредитлари - хунармандларга” лойиҳаси асосида жойларда ўтказилаётган бу каби тадбирлар қўл меҳнати билан шуғулланаётган хунармандлар учун нафақат назарий, балки амалий ёрдам сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Қолаверса, ушбу амалий семинар партияимизнинг сайловолди Платформасида белгиланган миллий хунармандчиликнинг барча турларини ривожлантириш ва қадриятларимиз давомчиларига амалий кўмак бериш каби вазифалар ижросини таъминлашга хизмат қилади.

**Сарвинос ШАМСИДИНОВА,**  
**хунарманд:**  
— Тикувчилик билан шуғулланаман. Мактабда ўқиб юрган кезларимдаёқ шу хунарни мукамал ўрганишни ният қилгандим. Бугунги семинарда 4 млн. сўм миқдорда кредит олиш имконини берувчи сертификатга эга бўлдим. Энди мен ўз ишимни янада кенгайтириш, шогирдлар тайёрлаш имкониятига эга бўлдим. Кўндан бери орзу қилиб юрганым, маҳалламиздаги қизлар учун миллий тўй либослари тиқишни бошламоқчиман. Миллийлик ва замонавийлик уйғунлашган келин либослари, ўйлайманки, маҳалладошларимизга манзур бўлади.

Ўралой ТУРДИЕВА,  
“Milliy tiklanish” мухбири

### Бошланғич партия ташкилотлари — бош таянчимиз

## МАСЪУЛИЯТ — САМАРАДОРЛИК МЕЗОНИ

қуйи бугун фаоллари ана шундай шиор асосида фаолият олиб бормоқда

**Бугунги кунда Бухоро вилоят Кенгаши таркибида 10 минг нафардан ортиқ партия аъзосини бирлаштирган 326 та БПТлар партия госяларини тарғиб қилишда фаоллик кўрсатиб келмоқда. Уларнинг 31 таси ЎзМТДП Вобанга туман Кенгаши ҳиссасига тўғри келади. Жорий йилда тумандаги қуйи бугунги сонни ўтган йилга нисбатан 9 тага ортди.**

Таъкидлаш жоизки, партия туман Кенгаши қошидаги бошланғич партия ташкилоти ЎзМТДП мақсад-гояларини фаол тарғиб этаётган қуйи бугун саналади. Мазкур БПТ ўз атрафида 55 нафар партия аъзосини бирлаштирган бўлиб, улар асосан зиёлилар, яъни халқ таълими фидойиларидан иборат. Қуйи бугун фаоллари ташаббуси билан партия туман Кенгаши ҳамкорлигида электротар мафазаларини таъминлаш, келажагимиз эгаларининг маънавиятини юксалтириш, сиёсий-ҳуқуқий билим ва малакасини оширишга қаратилган қатор тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда. “Ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш — асосий вазифамиз”, “Партия гоёси тарғиботида ёшлар ва хотин-қизларнинг ўрни”, “Баркамол ёшлар - обод Ватан келажаги” мавзуларидаги тадбирлар шулар жумласидандир.

— Ёш авлод вакиллари жисмоний баркамолликка ундовчи “Шунқорлар” спорт мусобақаси, миллий байрамлар ва турли саналар муносабати билан ташкил қилинадиган тадбирларда бошланғич партия ташкилоти аъзолари фаол иштирок этишмоқда, - дейди БПТ етакчиси Кимёхон Курбонова. — “Биз сизни унутмаймиз” мавзусида аждодлар хотирасига бағишлаб спортнинг волейбол тури бўйича ўтказилган баҳсларда йигит-қизлар ўз маҳоратларини намоиш қилишди.

Шунингдек, “1+1” деб номланган акция ташкил этилиб, унинг доирасида азалий қадриятларимиз ҳисобланган ҳашар натижасида ҳудуддаги 8-сон умумий ўрта таълим мактаби майдонида 100 дан ортиқ мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари ўтказилди. Бу ишларда қуйи бугунимиз аъзолари ташаббускорлиги кўрсатишди, - дейди БПТ етакчиси.

Дарҳақиқат, қуйи бугун атрофида бирлашган ташаббускор ва интилувчан аъзолар партия мақсад-вазифаларини амалга татиб этиш билан боғлиқ барча жараёнларда фаоллик билан ҳаракат қилишди. Халқ депутатлари туман кенгашидаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳи ташаббуси билан туманнинг сўнгги асрадаги эришган ютуқлари, унинг тарихи ва бугунини ёшларга етказиш мақсадида туман марказида тарих музейи ташкил этиш гоёси туман Кенгаши сессиясида қўрилиб, қарор қабул қилинган эди. Айни пайтда музейни ташкил этиш бўйича бошланган амалий ишларда ҳам мазкур қуйи бугун фаоллари жонбозлик кўрсатишмоқда. Яъни, маҳалла ҳудудидаги ёши улуг, кўпни кўрган нурунийлар билан суҳбатлашиб, улардан тарихий аҳамиятга молик маълумотларни тўплашмоқда. Халқ ҳўжалиги, таълим, тиббиёт каби соҳаларда намунали фаолият кўрсатиб, туман равнақига ҳисса қўшган фидойилар ҳақида маъ-

лумотлар йиғишмоқда. Бундан ташқари “Озод юртнинг обод гўшаси” лойиҳаси доирасида туман марказидаги иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари хотирасига ўрнатилган ёдгорликда олиб борилган ободонлаштириш ва таъмирлаш, уни келгуси авлодларга бус-бутун етказиш ишларида БПТ аъзолари ҳам фаол қатнашди. Албатта, бу саъй-ҳаракатлар партия сайловолди Платформасида белгиланган халқимизнинг илмий-тарихий меросини чуқур ўрганиш, мустақилликни мустаҳкамлаш ва унинг буюк келажагини таъминлаш учун, моддий-маданий бойликлар, миллий аънавалар ва урф-одатларни асраш учун фуқаролик масъулиятини оширишга кўмаклашиш вазифаларининг амалдаги ифодаси эканлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Шунингдек, ёшлар ўртасида миллий хунармандчиликни оммалаштириш орқали “устоз-шогирд” аънаваларини давом эттириш йўналишида ҳам БПТ фаоллари янгидан янги ташаббуслар билан чиқишмоқда.

— Ҳудудимизда хунармандчиликка қизиқувчи ёшлар жуда кўп, - дейди қуйи бугун фаоли Хусан Раҳмонов. — Партия дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда бошланғич ташкилотимиз уларнинг ўз фаолиятини йўлга қўйишлари учун кенг шароитлар яратилишига кўмаклашишга интиломоқда. Ҳудудда тикувчилик цехи очиб, бу орқали ёшларни иш билан бандлигини таъминлаш, хунармандчиликнинг бу турига қизиқувчи қизларга хунар сирларини ўргатишни йўлга қўйишни режалаштирганмиз. Зеро, ЎзМТДП сайловолди Платформасида миллий хунармандчилик турларини ривожлантириш, халқ хунармандчилигига хос бўлган “устоз-шогирд” аънавий

мураббийлик институтини кенг йўлга қўйиш учун шароитлар яратилишига кўмаклашиш вазифалари белгиланган. Ҳудуд ёшларини, шунингдек, ёш оилаларни ижтимоий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, яқка тартибда ўз бизнесини бошлаш арасида турган ёш хунармандларга имтиёзли банк кредитлари ажратилишида амалий ёрдам кўрсатиш каби вазифалар масъулиятимизни янада оширади.

Дарҳақиқат, ҳудудда тандирсозлик, кулолчилик, дурадгорлик, чинни буюмларга безак бериш сингари хунармандчилик турлари кенг тарқалган. Бугун мазкур йўналишларга қизиқувчи ёшлар устоз-шогирд аънаеси асосида уста хунармандларга шогирдликка тушишган, аксариятининг иш билан бандлиги ҳам таъминланмоқда. Бунда БПТ фаолларининг саъй-ҳаракатлари муҳим ўрин тутади.

Шунингдек, бошланғич ташкилот маҳаллий кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар билан ҳамкорликда аҳоли мурожаатларини атрофлича ўрганиб, уларнинг ижобий ҳал қилинишига кўмаклашиш келмоқда. Мурожаатлар асосан бандлик масалалари билан боғлиқ бўлиб, уларни ҳал қилишда БПТ фаоллари ва депутатлар туман бандликка кўмаклашиш маркази ва бошқа ҳамкор ташкилотларга сўров билан чиқиб, ёшларни иш билан таъминлаш чораларини кўришмоқда. Яқинда партия қуйи бугун кўмаги билан ҳудуддаги коллеж битирувчиларининг 6 нафари 8- ва 21-сон умумий ўрта таълим мактабларига ишга жойлаштирилди.

Мухтарама КОМИЛОВА,  
“Milliy tiklanish” мухбири

Парламент ҳаёти

# Депутатлик бирлашмалари

фаолиятини янада кучайтириш — долзарб вазифа



**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида парламент қўйи палатасидаги «Демократик кучлар блоки»да ўз саъй-ҳаракатларини бирлаштирган Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, O'zLiDeP ва Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияларининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракциялар аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатлари, сиёсий партиялар фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.**

Таъкидланганидек, мустақиллик йилларида мамлакатимизда сиёсий тизимни эркинлаштириш, сиёсий қарашлар, фикрлар, позициялар хилма-хиллигини, партиялараро рақобат ривожланишини таъминлашга қаратилган комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди. Кўппартиявийлик тизимини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўрилди.

— Юртимизда истиқлол йилларида барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар замирида инсон тақдири, қадр-қиммати ва фаровон ҳаёти ўз ифодасини топган, — деди ЎзМТДП фракцияси раҳбари Улугбек Муҳаммадиев. — Мустақиллик шарофати билан

мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини янада кучайтириш, юксак маънавиятлик, замонавий билимлар эгаси бўлган баркамол авлодни воғга етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аиниқса, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш борасида таҳсинга сазовор ишлар амалга оширилмоқда.

Эътироф этиш жоизки, парламент палаталари қўшма мажлисида Президентимиз томонидан тақдим этилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» мамлакатимизда парламентаризм ва сиёсий партиялар фаолияти ривожини тарихан янги босқичга кўтарди. Эндиликда сиёсий

партиялар Концепцияга мувофиқ, ўз фаолиятларини тубдан янгилашлари, яъни сиёсий куч сифатида жамиятда мустақам ўринга эга бўлиш учун партиянинг барча бўғинлари ишини янада кучайтириш, хусусан, электрорат манфаатларини таъминлашда фаоллик ва ташаббускорликни ошириш талаб этилади. Албатта, мазкур йўналишдаги ишлар самарадорлиги кўп жиҳатдан депутатлик бирлашмалари фаолиятига боғлиқ. Уйлаймизки, жамиятни демократлаштиришнинг муҳим ва зарур шарт бўлган кўппартиявийлик тизимини тараққий эттиришнинг қонунчилик асосларини янада ривожлантириш, шунингдек, жойлардаги маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларида партиялараро рақобат муҳитини кучайтириш ва кенгайтиришга бағишланган бугунги йиғилиш олдимизда турган долзарб вазифаларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади.

Йиғилишда маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари фаолиятини кучайтириш, уларнинг бугунги кунда тўллаган тажрибаларини оммалаштириш, ҳудудларни ривожлантиришдаги долзарб ижтимоий-иқтисодий

масалаларни ҳал этишдаги ташаббускорлигини ошириш масалаларига эътибор қаратилди.

Мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби жамият ҳаётини демократлаштириш ва эркинлаштиришга қаратилган ислохотлар ҳам тизимли равишда, босқичма босқич амалга ошириб келинмоқда. Муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан демократик ислохотлар марказига сиёсий партиялар чиқаётганлиги барчамизга катта масъулият юклайди.

Барчамизга маълум, ҳозирги кунда сиёсий партиялар мамлакатимиздаги иқтисодий-ижтимоий, маданий-маънавий, сиёсий-ҳуқуқий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларнинг нафақат қўллаб-қувватловчилари, балки энг фаол иштирокчилари сифатида ўзларини намойён этмоқдалар. Мазкур жараёнда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларга сайланган депутатларимиздан алоҳида масъулият талаб қилинади. Шу маънода, ҳудудлардаги партия депутатлик гуруҳларимиз томонидан халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари сессияларига партияимиз

гояларига ҳамоҳанг ва электроратимиз манфаатларини таъминлашга қаратилган масалалар киритилиб, бир қатор амалий тақлифлар илгари сурилди. Жумладан, «Худудда туризмни ривожлантириш: муаммо ва ечимлар», «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий Дастури»нинг ижроси ҳолатини ўрганиш», жойларда миллий хунармандчиликни ривожлантириш масалалари депутатлик гуруҳларимиз ташаббуси билан акарият халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туманлар кенгашлари сессияларига олиб чиқилиб, атрафлича муҳокама қилинди ва тегишли қарорлар қабул қилинишига эришилди.

Албатта, эришилаётган натижалар билан бир қаторда, депутатлик гуруҳлари фаолиятида сусткашликка йўл қўйилаётган жиҳатлар ҳам мавжуд. Жумладан, ўтган 2012 йилда халқ депутатлари маҳаллий кенгаш-

лардаги депутатлик гуруҳларимиз томонидан сессияларга жами 51 та масала олиб чиқилгани, 5 та депутатлик назорати ва 137 та депутатлик сўрови амалга оширилгани, 23 та раҳбар шахснинг ҳисоботи эшитилгани, албатта, депутатлик гуруҳларимизнинг ташаббускорлигини янада кучайтириш лозимлигини тақозо этади.

Қўшма йиғилишда Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш муҳимлиги таъкидланди. Мазкур ташаббус сиёсий партияларнинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партиялар гуруҳлари ваколатлари ва мажбуриятларини кучайтиришга қаратилгандир. Масалан, бу партия гуруҳларини ташкил этиш шартли ва қоидаларини қонунчилик жиҳатдан янада аниқ белгилаш, уларга қўшимча ваколатлар бериш, маҳаллий давлат ҳокимияти вакилик органларида қўйилаётган ва ҳал этилаётган масалалар юзасидан партия гуруҳлари тақлифларининг кўриб чиқиши шартлигига тааллуқлидир.

Тадбир иштирокчилари қонунчиликнинг такомиллаштирилиши жойлардаги маҳаллий давлат ҳокимияти вакилик органларида сиёсий партияларнинг ролини ошириш ва таъсирини кучайтиришда муҳим омили бўлиб хизмат қилиши, мамлакатимизда демократик ижтимоий сиёсий, социал-иқтисодий ислохотларни рўёбга чиқаришда уларнинг роли ҳамда таъсирини оширишга ёрдам бериши ҳақида яқдил фикр билдирдилар.

Қўшма мажлисда мазкур масалани жойларда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатлари, сиёсий партиялар фаоллари иштирокида кенг муҳокама қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Муҳокамалар натижаларини умумлаштирилиб, кейинчалик улар асосида Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонунига сиёсий партияларнинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партиялар гуруҳларининг роли ва аҳамиятини янада кучайтиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича тақлифлар тайёрланади.

**Камолитдин САИДУЛОВ,**  
«Milliy tiklanish» мухбири

«Обод турмуш — саодат ва фаровонлик тимсоли» танловига

## МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИ

демократик жамият барпо этишда асосий кучга айланиб бормоқда

*Мустақиллик йилларида юртимизда ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб тизими маҳаллалар фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бузувчи маҳалла томонидан жамиятда қонуни устуворлигини таъминлаш, аҳоли, хусусан, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган бир қатор вазифалар амалга оширилмоқда.*

Бу борада Президентимиз томонидан тақдим этилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» дастуриламал бўлмоқда. Концепция асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ва «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қонунига бу борадаги ишлар қўламини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Хусусан, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли ҳудудда тadbirkorлик фаолиятини, шу жумладан, оилавий тadbirkorлик ва хунармандчилик фаолиятини ривожлантиришга қўмаклашиш мақсадида маслаҳат марказлари ташкил этишга ҳақли», эканлиги белгиланган.

Мамлакатимизда маҳалла институтига қаратилган эътибор ЎзМТДП аъзолари ва фаолларини янада руҳлантирди. Боси, партия юртимизда амалга оширилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлаб, ижтимоий ҳаётда фуқаролик жамияти институтлари тизимини, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хусусан, маҳалла институтининг жойлардаги масалаларни ҳал этишдаги ролини янада кучайтириш тарафдориди.

ЎзМТДП Сирдарё туман Кенгаши томонидан тумандаги «Баҳор» маҳалла фуқаролар йиғинида ташкил этилган тарғибот тadbirkorлик миллий хунармандчилик ва касаначиликни ривожлантириш бўйича иштирокчиларга атрофлича маълумотлар берилди. Ушбу тadbirkorлик натижасида хунарманд Азиза Асророва «Устоз-шогирд» аънасанини ривожлантириш ва хотин-қизларини иш билан таъминлаш мақсадида бизнес режа ва лойиҳаси учун кредит олиш мақсадида партияга мурожаат қилди. Хунарманд банкдан олинган кредит эвазига ўз бизнесини ривожлантириш билан бирга янги иш ўринлари ташкил этилишига ҳисса қўиши ниятида. Хозирда А.Асророва 10 нафар шогирди билан аҳолига турли тикиш-бичиш хизматларини кўрсатиб келмоқда. Шунингдек, яқинда «Ҳақиқат-2» МФЙ билан ҳамкорликда Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон мустақилликка эришиши остонасида» асарига бўйича ўтказилган тadbirkor аҳоли, аиниқса, ёшларда мустақилликнинг қадрига етиш ва юрт равнақига ҳисса қўиши туйғусини уйғотишга хизмат қилгани шубҳасиз.

Муҳтасар айтилганда, инсон манфаатлари, унинг шаъни, қадр-қиммати энг олий қадрият ҳисобланадиган юртимизда маҳаллага, уни моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга бўлган эътибор тобора юксалиб бормоқда. «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ва «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қонунига маҳалланинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини янада оширади, шу билан бирга маҳалла билан ҳамкорлигимизни бундан-да яқинлаштиради.

**Барно ИСЛОМОВА,**  
ЎзМТДПдан сайланган халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгаши депутати

## ИСТИҚЛОЛ — ҒУРУРИМ, МАҲАЛЛАМ — ФАҲРИМ

*Юртошимиз ташаббуси билан ҳар бир йилда алоҳида ном берилиб, унга доир Давлат дастураарининг белгилашиши натижасида мамлакатимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Мазкур йўналишдаги ишлар жорий «Обод турмуш йили»да ҳам давом эттирилмоқда. Хусусан, «Истиқлол — ғурурим, маҳаллам — фаҳрим» шиори остидаги ободонлаштириш лойиҳаси асосида қизгин саъй-ҳаракатлар бошлаб юборилган.*

Маҳалла хайрия жамоат фонди Наманган вилоят бўлими тарихидаги 892 та фуқаролар йиғинлари, жумладан, 781 та маҳалла, 98 та қишлоқ, 13 та шаҳарча фуқаролар йиғинлари ҳамда «Миллий тикланиш» демократик партияси Наманган вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси тарихидаги 8 та туман ва шаҳар Кенгашлари аъзолари ҳудудлардаги қўламанзорлаштириш, ободонлаштириш ишларида фаол иштирок этмоқдалар. Аиниқса, ЎзМТДП вилоят Кенгаши фаоллари томонидан маҳаллаларни ободонлаштириш, оилаларда соғлом муҳитни яратиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, турмуш тарзини янада яхшилашга қўмаклашиш бўйича олиб борилаётган ишлар таҳсинга сазовордир. Жумладан, Наманган шаҳар, Чортоқ, Тўрақўрғон, Уйчи, Мингбулоқ туманларидаги қишлоқ ва маҳаллаларда ҳудудий партия кенгашлари томонидан жамият ва халқ фаровонлигини ошириш, унинг манфаатларини турли таҳдид ва таҳовузулардан ҳимоя қилишнинг асоси сифатида аҳолининг кенг қатламларини маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил этилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ёшлар ва хотин-қизлар орасида истеъдод эгаларини кашф этиш, уларнинг маънавий, ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш ва рағбатлантириш «Обод турмуш йили» давлат Дастурининг долзарб вазифаларидан биридир. Ушбу вазифаларни амалга оширишда ЎзМТДП Наманган вилоят Кенгаши «Аёллар қаноти» аъзолари ҳам фаол иштирок этмоқда.

Вилоятда воёга етмаганлар томонидан киноёт ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида вилоят ИИБнинг ташаббуси билан жорий йилда барча турдаги таълим муассасаларида воёга етмаганлар томонидан содир этилган киноётлар асосида яратилган «Тарбия бепарволикни кечирмайди» ва «Усмир киноётга қўл урди» мавзусидаги видеороликлар намойиш этилиб, ёшлар ўртасида киноёт ва ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш, бўш вақтларидан унумли фойдаланишни ташкил этиш борасида тушунтириш ва тарғибот ишлари ўтказилмоқда.

**Соҳиббахон АБЗАМОВА,**  
ЎзМТДП фаоли

Ёшлар — жамият таянчи

## САМАРҚАНДА ЁШЛАР ФОРУМИ

унда миллий қадриятларимизни улғушлашга эътибор қаратилди

чиққан ҳолда миллий қадрият, аънава ва ёшлар оғнига сингдиришда муҳим аҳамият касб этади, — деди нотик.

Форумда юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 22 йиллик байрами ҳамда яқинда чоп этилган «Президентга мактублар» китобининг мазмун-моҳияти ҳақида батафсил фикрлар юритилди.

— Мустақилликнинг илк кунларидан аҳоли, аиниқса, ёшларнинг жисмонан бақувват, маънан етук авлод бўлиб улғайишига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, мамлакатимизда давлат бюджети харажатларининг 60 фоизга яқини таълим, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳалари ривожига йўналтирилмоқда, — деди форумда сўзга чиққан ЎзМТДП фракцияси аъзоси Жаҳонгир Бобоев. — Аинан шу соҳаларда Ўзбекистон етакчи ўринларни эгаллаб бораётгани халқаро эксперт ва таҳлил марказлари томонидан эътироф этилмоқда. Мазкур жараёнларда ЎзМТДП ҳам фаол иштирок этиб келаётди. Хусусан, бугунги тadbirkor ҳам партия дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ёшлар оғни ва тафаккурида Ватан келажиги учун масъуллигини янада ошириш, уларда юртга садоқат, ватанпарварлик туйғусини шакллантириш ҳамда жамиятда ўз ўринларини эгаллашларида муҳим аҳамият касб этади.

Тadbirkor доирасида фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Самарқанд вилоят бўлини маси билан ҳамкорликда «Ёшларда сиёсий фаоллик хусусиятларини шакллантириш» мавзусида семинар-тренинг машғулотлари ўтказилди. Самарқанд давлат университети профессори, тарих фанлари доктори Ф.Набиевнинг «Фуқаролик жамияти шаклланишида ёшлар иштирокининг аҳамияти», Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Самарқанд вилоят бўлини маси етакчи мутахассислари Ф.Раҳматов, О.Махамматовнинг «Сиёсий партиялар фаолияти ва сайлов жараёнида ғалаба қозонишда ёшларнинг сиёсий

фаоллигини ошириш имкониятлари» мавзусидаги ақлий ҳужум машғулотлари иштирокчи ёшларнинг бу борадаги билимларини янада бойитиш имконини берди.

Шаҳарнинг «Ёшлик» маданият ва истироҳат боғида қизгин давом этган тadbirkor «Ўзбек жанг санъати» федерацияси «Шердор» жамоасининг чиқишлари, «Машура» ўқув марказининг миллий либослар кўргазмаси, шахмат мусобақалари, дизайнер тивкуви Фариз Насимовнинг миллий либослар кўргазмаси намойишлари бўлиб ўтди.

Тadbirkorда ўз маҳорати билан мамлакатимиз доврўғини оламга ёёётган спортчилар, жумладан, бадий гимнастика бўйича

**Лайло ОРЗИЕВА,**  
ЎзМТДП Навоий вилоят Кенгаши «Ёшлар қаноти» фаоли,  
Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори:

— Ўзбекистон улкан ўзгаришлар мамлакатини, унда барча ёшларнинг оруз-умидлари, келажакка ишончи акс этган. Ватанимизда сиёсий партияларнинг ўрни кундан-кунга ошиб бормоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистон фуқароси оғнида ўз мамлакатининг тарихий ўтмиши, бугунги кун ва келажиги учун фахрлини туйғусини тарбиялаш, мустақамлаш мақсадида олиб борилаётган фаолият, аиниқса, ЎзМТДП фаолиятида яққол акс этмоқда. Мазкур тadbirkor ҳам ана шундай мақсадларни ўзида муҳассам этган. Унда партия дастурида белгиланган ёшлар сиёсатини амалга ошириш, миллий қадриятларимиз, урф-одат ва аъналаримиз, миллий гоё ва мафкура асосида ёшларнинг маънавиятини янада бойитиш ҳақида мунозаралар олиб борилиб, турли фикрлар баён қилинди.

**Фарида ЁДГОРОВА,**  
ЎзМТДП Когон туман Кенгаши «Ёшлар қаноти» етакчиси:

— Қадимий ва навқирон Самарқанд ҳақида кўп эшитганмиз. Шаҳарда бўлиб, маданий ва тарихий обидаларни кўриб, ҳайратимиз яна бир қарра ошди. ЎзМТДП Самарқанд вилоят Кенгаши «Ёшлар қаноти» ушбу тadbirkor жуда катта тайёргарлик кўрибди. Бугунги тadbirkor баҳона саёҳат ва зиёратларимиз хотирамизда бир умр муҳрланиб қолиши, шубҳасиз.

**Санъат МАМАДИЁРОВ,**  
Тadbirkor иштирокчиси:

— Партия «Ёшлар қаноти» ташаббуси билан аънавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур форумни ёш иқтидорлар беллашуви, истеъдодлар синови, десак муболага бўлмайди. Бу галги форумнинг «ер юзининг сайқали» дея таърифланган Самарқанд шаҳрида ўтказилишида рамзий маъно бор. Навоийлик ҳамда бухорилик тенгдошларимиз билан фикр алмашиш, бахслашиш асосида дўстлашиб ҳам олдик. Ушбу тadbirkor ҳар бир иштирокчининг қалбида олам-олам таассуротлар қолдирди.


**Ориф ХОЛИҚУЛОВ,**  
«Milliy tiklanish» мухбири

## «Ватан учун яшайлик!» танловига

**Инсоният яратган санъатларнинг шундай мўъжизакор турлари ҳам борки, унга илк бор рўбарў келганингизда юрагингиз ҳайратдан энтикиб кетади. Бу халқ амалий безак санъатининг етакчи соҳаларидан бўлган ганчкорлик санъати бўладики, наққошлик ёки ёғоч ўймакорлиги санъати бўладики, унда туйғулар замзамасининг мавжлашиб турганини ҳис этиб, қалбингиз завқиб туйғулардан тўлиб-тўшади.**



## Ўймакор устанинг олтин калити



Санъатнинг ушбу турлари илк шаклланиш даври узоқ замонларга бориб тақалади.

— Сизнингча, улар орасида дастлаб қайси бири вужудга келган? — сўрайман суҳбатдошим — машхур ёғоч ўймакорлиги устаси Сирожидин Раҳматуллаевдан.

— Албатта, ёғоч ўймакорлигида, дейди у жилмайиб. — Ажабланманг, мен буни ўз соҳам бўлгани учун айтмаётиман. Лекин тасаввур қилиб кўринг. Ибтидоий одам овга чиққан. У ўлжасини пойлаб ўтирибди. Шунда нима қилади у? Ишончли қуроли — тиг боғланган таёғига термилиб, уни силаб-сийпайдики? Шунда уни шериклариникидан чиройлироқ бўлишини хошлаб қоладики? Албатта. Шу асно у таёғига ёғ суртиб, ялтиратади, зерикиб ўтирган пайтида унга нақшлар ўяди... Менимча, илк ўймакорлик санъати ана шу палладан бошланган.

— Шахсан ўзингиз бу санъатга қачон ҳавас қўйгансиз?

— Мендаги бу ҳавасга отам раҳматлик сабабчи бўлганлар. Отам ниҳоятда завқи баланд инсон эдилар. Мумтоз қўшиқларни яхши кўрардилар. Баъзан киргойи ҳам қилардилар. Яна бир улугъ фазилатлари бор эдики, узун қиш кечаларида бизларни танча атрофига тўллаб, турли бадиий китоблар, айниқса, достонлар ўқиб берадиларди. Ҳали ҳам қулоғимда... достонларни ўқиганда оҳангга солиб ўқирдилар. Масалан, «Алпомиш» достони мудоом эсимда... Буларнинг барчаси беиз кетмади, чамада. Уша китоблар, оҳангга солиб айтилган ўша достонлар менинг юрагимга завқ туйғусини ато этди, кўнглимга нафосат ҳиссини хо қилди.

Бир куни отам менга деворга осилган матодаги она шер ва шерваччалар расмини кўрсатиб, ўғлим, мана шу расмини чиза оласизми, дедилар. Дадам мени силлаб гапирардилар. Расм ниҳоятда чиройли эди. Чиза оламман, дедим. Лекин ўхшатиб чиза олмаслигим аниқ эди. Нима қилай, чизишга иштиёқим зўрлигидан шундай дегандим-да... Шундан кейин денг, расмлар чизишга берилиб кетдим. Мактабда ёғоч ўймакорлиги тўғриси бор эди, унга ҳам қатнаша бошладим.

Мактабни битирганимдан кейин аскарлик хизматига кетдим. Хизматим ўтаб қайтган, кўнглим мени Бемънок номидаги санъат билим юртига етаклади. Хужжатларимни топшириш учун борсам, битирувчи босқич талабаларининг имтиҳонлари бўлаётган экан. Рассом бўламан деб ахд қилиб қўйгандим мен. Қўлимда чизган расмларим бор эди. Хар эҳтимолга, ёғоч ўймакорлиги ишимдан намуналарни ҳам олволгандим. Шу даргоҳнинг мутасаддиларидан Тўхтамурод ака деган домла қўлимдаги ишларимни кўздан кечирдилар-да, мен билан юр-чи, дея тўртинчи каватга етакладилар. У ерда битирувчи талабаларнинг ёғоч ўймакорлиги ишларидан намуналар кўргазма қилиб қўйилган экан. Бу ишларни кўриб юрагим жижиллаб кетди, вужудимга завққаи, ҳавасгаи ўхшаган туйғунинг ҳарорати югурди. Ҳолатимни сезган Тўхтамурод ака хуж-

жатларимни мана шу билим масканининг ёғоч ўймакорлиги бўлимига топширтирдилар...

Сирожидин бу илм масканида тўрт йил таҳсил олди. Ўймакорлик санъати сирларини ўрганди. Бу борада унга теран билим берган тажрибали устоз Саидазим Қосимовни ҳали ҳам эслайди. Ёш истеъдод соҳиби олган билимлари шавқи билан ижод оламига бутунлай шўнғиди. Лекин танлаган соҳасининг чинакам устаси бўлмоғи учун ҳали кўп йиллар давомида тинимсиз машаққатлар чекмоғи лозим эди. Бугунги кунда унинг ҳам қомусий билими, ҳам бой тажрибасидан у бу синов йўлларини муваффақият билан ўтганлигини пайқаш мумкин.

Мен устани яна суҳбатга тортман.

— Менимча, ганч ўймакорлиги, наққошлик ва ёғоч ўймакорлиги орасида умумийлик борга ўхшайди...

— Бу умумийлик улардаги безакларда, яъни нақшларда кўзга ташланади.

— Ислимий нақшлар, ҳандасавий нақшлар дейилади. Улардаги фарқ нимада?

— Ислимий атамаси араб тилига мансуб бўлиб, ўсимликсимон деган маънони англатади. Бу хил нақшлар табиатдаги барг, банд, бутта, гунча ва бошқа нарсаларни наққош томонидан услубийлаштириб олинган шаклини маълум қонуниятлар асосида такрорланишидан ҳосил қилинади. Масалан, битта барғни оладиган бўлсак, унинг жуда кўп турлари бор. Жумладан: шобарг (шоҳона барг), энг катта барг, кўш барг, себарг(уч барг), кўп барг, чор барг(тўртта барг), хурмо барғи, тол барғи, анор барғи, қашқарча барг, қўшбодом барг, қалампир барг, ноқ барғи, самбит барг... Хуллас, уларнинг 50 дан ортиқ тури бор.

Гул нақшлар ҳақида гапирадиган бўлсак, уларнинг турфа хил турлари бўлиб, ҳар бири ўзига хос номланади. Чунончи, уч-беш япроқли ойгул, барғли ойгул, лола гул, пахта гул, нўхат гул, чинни гул, савсар гул, атиргул, гулафшон, гултожиҳўроз ва бошқалар. Гуллар тўзлишига кўра оддий ва мураккабга бўлинади. Мураккаб гулларга писта гул, кўп барғли гул ва бошқалар; оддий гулларга эса ой гул, лола гул, пахта гул ва бошқалар қиради. Гуллар хар хил тўзлишга эга бўлганлиги учун уларнинг ўзига хос номлари бор.

Ҳандасавий нақшлар бу — геометрик нақшлардир. Бу нақшлар мураккаб нақш турларидан ҳисобланади, тўртбурчак, учбурчак, айлана ва ёйлар ҳамда кўпбурчаклардан ташкил топади. Тўзлишини жиҳатидан тўғри чизик, эгри чизик ва аралаш чизиклардан ташкил топган гириҳ(-чигал, тугун)га бўлинади.

Мен устанинг ўймакорлики ва наққошлик санъатига оид муфассал шарҳларини тингларканман, бу борадаги гўзал ижодга илк рўбарў бўлган дамимни эсладим. Мўътабар бир кошонанинг деворига бор бўйи билан ганчдан ислимиий нақшлар ўйилганди: гуллар, барғлар, гунчалар... яна гуллар, барғлар, гунчалар... Димоғимга анвойи бўйлар урилгандек бўлиб, қўзла-

рим бу поёнсиз, бесарҳад гулзорлар узара бамисли капаладек «адашиб» кетган эди.

Ҳа, кейин қаердадир ҳандасавий нақшларга ҳам дуч келганман. Бу фусунни кўхна бир бинонинг шарофаси гулчинли, устуларни кошинкорли деворлари нақшнинг боғчага қараган кенг ва баланд айвони зарофатида кўрган эдим. Ундаги жамики жиллолар бир-бирига уйғун ва вобаста бўлиб, бамисли анвойи муҳташамликнинг ажиб замзамаси эди. Мен нигоҳимни турфа ўлчамдаги учбурчакли, тўртбурчакли юлдузларни ташкил қилувчи чизиклар узра юриртар эканман, ушбу чизикларнинг бурилиш нуқтасига боргунча кўнглим энтикиб кетар ва кескин бурилиш нуқтасига етганда руҳим худди қалдирғоч парвози сингари юксакларга ҳаволанар, шурумда бамисли нура-лар жарангос соларди...

Кўнглимдан дафъатан ушбу туйғулар кечинди: мурғак Алишернинг қалбига шеър сафосини илк бор теурий кошоналардаги ислимиий нақшлар муҳр бўлса, не ажаб! Жажжи Улуғбек юрагида музайян коинот жийваларига илк ҳавасни виқорли қўшқлардаги ҳандасавий «юлдузлар» учқунлантормадими экан!..

О, инсон қалби ва зехни замонларга эзгулик нашидасини уфурган не не санъат мўъжизаларини яратмади! Лекин уни ёвузлик, қабоҳат, ваҳшилик (афсуски, бу ҳам инсонга хос!) уни амаий янчи, топтади, оёқости қилди!.. Мўр-малахчингизийларни ва жаҳолатда улардан кам бўлмаган бошқа ёвларни эсланг. Кўрқию салобати бетариф саройларни, зийнатлари оламга дoston обидаларни, файзиёб кошоналарни, мўътабар масжидларни кўз олдингизга келтиринг. Барчасининг вайрон қилиб, ёндириб, кулларини кўкка совурмадими улар!..

Мен тугилган қишлоғимда болалигимда бир манзарани кузатганман: кўхна қабристон ёнида қадим бир масжид бўларди, ниҳоятда муҳташам, устуларни нақшинкор... У шўро замонида селитра сақланадиган оморбага айлантилганди. Оқибатда унинг деворлари нуради. Кейин уни, тап тортмай, бузиб ташлашди, айқаш-уйқаш ётган ажиб нақшли, гулчин устулар ҳали ҳам кўз ўнгимда. Ким уни олиб кетдидики? Уша вақтда ҳеч ким уни сақлаб, асраб қўйишни хаёлига келтирмаган, менимча. Бунинг учун савия керак, тушунча керак, ахир! Афсуски, бундай савия ҳам, тушунча ҳам ҳеч кимда йўқ эди! Уларни кимдир ўтин қилиб ёқиб юборган десам, балки тўғри бўлар... Бундай қабиҳликни, инсон қалби мужассам осори-атиқага бундоқ разил муносабатни сўнги жохил тузумнинг кечирилмас гуноҳларидан бири десам, сира хато қилмайман!

Ижод ҳаётга муҳаббатнинг тимсолидир. Тарихнинг энг қийин паллариди ҳам инсоният юрагида ҳаётга муҳаббат сўнмаган, ижод қилган, ўз қавминини яхшиликка чорловчи гўзалликлар кашф этган.

Мен ўйлар гирдобидан чиқарканман, суҳбатдошимга савол ташлайман: — Ҳаётингизда ўзингиздан ўксин-

ган пайтларингиз ҳам бўлганми: бошқаларнинг иши юришиб турибди, бу касб билан менинг касам оқармайди, шекилли, дея афсус-надомат қилганимиз сира?

— О, нимасини айтасиз, қийналган пайтларим бўлган, лекин сираям танлаган касбимдан афсус-надомат қилмаганман. Ёғочга, ўймакорликка бўлган муҳаббатим сираям сўнмаган, камаймаган... Турмушимиз тақчил пайтлар эди: ишга бораман, келаман... Маошнинг тайини йўқ, хар куни онамдан йўлқирага пул оламан. Бир куни катта акам, ишингни ташла, бошқа юмуш қил — шу ҳам ҳаётми, дедилар. Шунда дарҳол онам ўртага тушдилар: «Нега ташларкан, тўрт йил нима учун ўқиди? Сабринг таги олтин, сабр қилсанг, гўрадан ҳолава битар, дейдилар. Ойнинг ўн беши ёруғ, ўн беши қоронғи, унинг ҳам иши юришиб қолар бир куни...», дедилар. Онаминг шу сўзларидан кейин акам бу борада бошқа гап очмадилар. Кейин мен оилам билан бўлак чикдим. Кундузи ишга бораман, кечкурунлари у ёқдан-бу ёқдан буюртмалар олиб келаман. Туни билан ишлайман. Кейин болаларимнинг онаси жонимга оро қира бошлади: мен нақшларни ўйиб қўяман, у кундуз куни мен ишдан қайтганимча нақшлар заминини тозалаб қўяди. Бир куни ишдан келсам, ҳали норасида ўғлим ҳам қўлига ўткир тигни олволиб, онасига ёрдам берапти. Жон-поним чиқиб кетди: бирон жойини жароҳатлаб олса нима бўлади! Йўқ, онаси эҳтиётини қилиб турган экан. Кейин-кейин ўғлим дастёр-ёрдамчига айланди! Ҳозир у катта уста, Рассомлар академияси аъзоси!

— Боя устахонангизда кўришдим, шекилли?

— Ҳа, Камолиддин ўғлим билан кўришдингиз. Энди сизга яна бир воқеани айтиб берай. Шундоқ қилиб ишим юриша бошлади. Бир куни улкан ишни якунлаганимда қўлимага катта пул тушди. Жудам катта пул! Уйга бориб, халтадан даста-даста пулни олдим-да, онаминг устидан сочдим. Буну кузатиб турган отам: ҳей хола, бу ишинг яхши эмас, дедилар. Пулларингни йиғиштириб олгин-да, ўзинга сақлаб қўй, ҳали иморатингга ишлатасан. Лекин шу гапим қулоғингда бўлсинки, пул билан ҳеч қачон мақтанма. Хар қанча пулинг кўпайса ҳам, ҳамisha бошингни эгиб юр, сира ҳаволанма, кибр-ҳавога берилма... Мен «ҳўн» дедим-да, пулларни битта-битта йиғиштириб олдим.

Қалби ғайрат ва илҳомга тўлиб турган ёш уста Сирожидинга омад кулиб боқа боширдим. У устозлар ишончини қозонди, яратган ишлари билан эл назарига тушди. Узи тугилиб ўсган шахри азимда ниҳоятда улкан сарой бунёд этилди: аввалги номи — «Халқлар дўстлиги», ҳозирги номи — «Истиқлол». Унга қисқа муддатда салобатли эшиклар ўрнатилиши керак эди. Чунки тайёргарлик қўрилатган катта анжуман ўша кошонада ўтказилиши кўзда тутилган эди. Бу ишга республиканинг энг машхур усталари жалб этилганди. Ўзбекистон халқ рассоми Ортиқ Файзуллаев ўз гуруҳига истеъдодли шогирди Сирожидин Раҳматуллаевни ҳам қўшди. Иш айтилган муддатда якунланди. Сирожидин ясаган эшиклар ҳам муҳташам кошонанинг бетимсол кўрғима кўрк қўшди. Уста ушбу дастлабки муваффақиятидан ҳали ҳам фахрлилик юради.

Сирожидин турмуш ташвишларидан юксала бошлади. У энди парвозда эди. Кейинги бахарган маҳобатли ишлари саналса, икки қўнлинг бармоқлари камлик қилади: «Туркистон» саройи, Теурийлар музейи, Ўзбекистон Миллий Академик театри, Олий Махлис биноси ва «Имом ал-Бухорий» мажмуасининг ўйма эшиклари, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси конференц залига ҳандасавий безаклар, Ўзбекистон Республикаси Олий суди биноси махлислар зали ўйма эшиклари, «Қатагон қўрбонлари» музейига айвон ўймакорлиги ва ўйма эшиклар, «Ҳазрати имом» мажмуасининг «Самоларга юксалиш» номли ўйма эшик ва дарвозалари... Эҳ-хе, бу фусункор безакларга, салоҳиятли зийнатга Сирожидиннинг қалб туйғулари мавжи, истеъдодининг кенг қулочи заковати муҳрланган!

Уста Сирожидин чет эл сафарларини жўшиб, ёрқин хотиралар билан эслайди. У 1994 йили Малайзия, 1997 йили Германия мамлакатларида халқ амалий кўргазмаларида иштирок этди. 1994 йили Мирзо Улуғбек таваллудига бағишланиб Парижда ўтказилган юбилей кўргазмасида қатнашди.

— 2000 йили «Ташаббус — 2000» Республика кўрик-танловида қатнашиб, голиб бўлдим. Кўргазмага қўйган ишларим «Олтин медаль», биринчи даражали диплом билан тақдирланди. 2003 йили «Ўзбекистон халқ устаси» унвонига сазовор бўлдим... Бу унутилмас саналар умримнинг энг ёрқин саҳифаларидир, - дея таъкидлайди Сирожидин Раҳматуллаев.

(Давоми бор)

Мирпўлат МИРЗО

## Осори-атиқаларимиз

**Юртимизнинг ҳар бир бурчагидан қадимий халқимизнинг муаззам тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи саноқсиз осори-атиқаларни топиш мумкин. Баъзида шундай топилмалар ҳам учрайдики, ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган воқелик ёки мўъжиза дейиш мумкин.**

## ЯНГИ ТОПИЛМА

**Археологаримиз олдига янги вазифаларни қўймоқда**



Самарқанднинг Кўшработ тумани билан чегарадош бўлган Навоий вилоятининг Нурота туманидаги қадимдан бепоеён даштликларда оқар сув муаммоси мавжудлиги боис, асосан, чорвачилик етакчилиқ қилган. Айниқса, Буюк ипак йўли ўз аҳамиятини йўқотганидан сўнг бу ерлар Бухоро амирлигининг иқтисодий жиҳатдан энг қоқоқ қисмига айланган қолган. Бироқ, Кўшработ тумани марказидан 20 км шимолга ғарбда жойлашган Шова қишлоғи худудидан топилган сопол кошинлар мутахассисларнинг бу борадаги фикр-хулосаларини ўзгартириб юборди, дейиш мумкин. Мутахассислар топилмага чинакам мўъжиза деб баҳо беришди. Тахминан, бир неча гектар майдонга ёйилиб ётган кўп миқдордаги пишиқ гишт ва ўзининг тиниқ рангини сақлаб қолган сопол кошинлар қадимда бу худуд йирик маданий марказлардан бири бўлганидан далолат беради. XIV-XV

асрларга тааллуқли бўлган, нилий рангли кошинлардаги геометрик шаклдаги ўсимликлар тасвири ва настаълик хатида битилган ёзувлар Самарқанддаги Шохизинда ёдгорлиги кошинларига жуда ўхшаб кетади. Тўғри, Самарқанд айнаи шу даврда жаҳоннинг сиёсий ва иқтисодий марказларидан бирига айланган эди. Дунёнинг кўпгина маданий марказларидан келтирилган усталар меҳнати маҳсули натижасида шундай муҳташам иншоотлар барпо қилинган. Бироқ, ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий жиҳатдан аҳамияти нисбатан паст бўлган бу худудда бундай йирик қурилишлар нима мақсадда амалга оширилганлигини ўрганиш ўзбек археологарининг олдига янги вазифаларни қўймоқда.

**Марҳабо ИРЗАЕВА, Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети магистранти**

## «Устоз-шогирд»

## НАФИС ВА БЕЖИРИМ

**анъаналар давом этмоқда**

**Амина оилада кенжа фарзанд бўлгани учун онаси ва опаларидан гилам тўқишининг барча сир-асрорларини эрта ўрганди. Оқтош қишлоғи бир чеккасидаги пешайвонли уйнинг ҳовлисидаги кичик қорхона ишга туширилагач, унинг орзулари ушала бошлади. Очқ кўнгли, сергайрат ва истараси иссиқ қиз дастлаб қорхонада тўқувчи, кейинчалик унга раҳбарлик қилиб барча имкониятларини ишга солиди. Бир дам ҳам тиним билмай елиб-югурди. Унинг ҳузурига дугоналари, касб-хунар коллежи битирувчилари, ҳатто кўшни хонадонлардаги хотин-қизлар ҳам кела бошлади. «Аминага Бахмал гиламидан тўқитиб олсам, унинг хунарини эалласам» деганларнинг сон-саногий йўқ эди.**

У бугун ҳам барвақт уйғониб тўқиётган гиламининг тайёр қисмини кўздан кечираркан, ёнига дугоналари келиб ишини кузатаётганини ҳам пайқамасди. Бетакор нақшлар, анвойи гуллар акси ва етти рангдаги камалак ранглари буюмда ўзгача кўриниш касб этарди. Улар тезда ишга киришиб кетишди. Чаққон ва эпчил ҳаракатланган тўқувчи қизларнинг нозик бармоқлари бўлғуси буюмга гўё эртанги кун орзу ва ўйларни ҳам қўшиб тикаётгандек эди.

Хунарманд Амина Отабоевага қорхонани кенгайтириш осон бўлмади. Турли ускуна ва дастгоҳлар ўрнатилиш ҳамда хомашёлар келтиришда турмуш ўртоғи Темурунинг ташвишларига шерик бўлиб, оғирини энгил қилди. Секин-аста кичик қорхона саҳни Бахмал, Фориш, Бухоро ва Нурота хунармандлари ўртасида тўқилаётган миллий гиламлар билан тўлиб, шогирдлари ҳам чевар тўқувчилар ҳисобига қаттиб борди.

Бундан уч йил муқаддам хунарманд аёл «устоз-шогирд» анъаналарини давом эттириб, қишлоқ жойлардаги аёллар ўртасида гилам тўқиш курслари очди. Шу тарихга ёшлар учун иш ўринларини кўпайтириш ва касб-хунар ўргатиш ташаббуси билан қикди. Эндиликда Сайёра Абдукаримова ва Азиза Усмоновалар хонадонларида ҳам гиламдўзлик курслари ташкил этилиб, уларга олтимишдан зиёд ёшлар жалб қилинди.

Мана саккиз йилдирки, Бахмал туманидаги «Музбулоқ» қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Оқтош ва Қалтаой қишлоқларида ташкил этилган кичик қорхоналарда қиз-жувонлар Амина опага шогирд

тушиб, нафис, бежирим, бир-бири-ни такрорламайдиган гиламлар тўқиш халққа етказишмоқда.

— Хунарли киши хор бўлмас, дейди устоз шогирдларига хар доим. — Касбининг севсанг, эъзо-ласанг, рўзгоринг бут, турмушинг фаровон бўлади.

Уста хунарманд Амина Отабоева шогирд танлашга алоҳида аҳамият беради. У асосан ижтимоий жиҳатдан кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари бошини силаб, касб маҳоратларини ўргатиб келяпти. Шунингдек, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари, боқувчи-киши йўқотган, меҳр-мурувватга муҳтож қариларга ёрдам қўлини чўзиб келмоқда.

Республика «Хунарманд» уюшмаси аъзоси Амина Отабоева 2004 йилдан ўзи ишлаб чиқараётган нафис ва бежирим гиламлар билан республика ва вилоят миқёсида ўтказиб келаётган турли кўргазма ва кўрик-танловларда қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда. Биргина ўтган йили ўтказилган «Истиқлол туйғули эъзо ва эътибор топган хунармандлар» кўргазмасидаги иштироки учун у республика халқ усталари, хунармандлари, мусаввирлари «Хунарманд» уюшмасининг дипломи ҳамда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг фахрий ўлиғи билан тақдирланди. «Ташаббус-2013» кўрик-танловининг вилоят босқичида эса у ўзининг кўп жиҳатдан устун эканлигини кўрсата олди ва «Энг яхши хунарманд» йўналиши голиби бўлиб диплом ҳамда қимматбаҳо совғаларни қўлга киритди.

**Абдулла САЙДОВ, Жиззах вилояти**

# САЙЁҲЛИК ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

**Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида мамлакатимиз кўп тармоқли индустриал давлатга айланди. Иқтисодийнинг барча истиқболли соҳалари қатори халқаро туризм ривожига ҳам алоҳида эътибор қаратишмоқда.**

Бу мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик, юртимизнинг замон билан ҳамқадам ривожланаётгани самарасидир. Зеро, бугунги кунда сайёҳлик замонавий иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларидан бирига айланди. Жаҳон сайёҳлик ташкилоти маълумотларига кўра, дунё ялпи ички маҳсулоти ҳажмининг ўндан бир қисми, халқаро инвестицияларнинг 11 фоиздан ортиғи туризм ҳиссасига тўғри келади.

Мамлакатимизда ҳам ушбу соҳа жадал ривожланмоқда. Халқаро аэропортлар, замонавий темир йўл транспорт, беш юздан зиёд сайёҳлик оператори ва тўрт юзга яқин меҳмонхона меҳмонларга юқори сифатли хизмат кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ туризм ва туристик инфратузилмани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Миллий туристик хизматлар халқаро туристик бозорларга фаол кириб бораётир.

Бухоро — дунё сайёҳларининг эътиборини ўзига тобора кенг жалб этаётган энг қадимий шаҳарларимиздан. Истиқлол йилларида бу ерда амалга оширилган бунёдкорлик ва обodonлаштириш ишлари шаҳар ҳуснига ҳусн қўшди. Туризм инфратузилмаси ривожланди. Бу Бухоронинг сайёҳлик салоҳиятини янада оширди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Арк, Мир Араб, Улугбек медресалари, Минораи калон, Чорбақр ва Лабиҳовуз мажмуалари, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдуллоҳиқ Гиждувоний қадимий ҳаётларида кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

— Вилоятимизнинг сайёҳлик имконияти йил сайин кенгайиб бормоқда, — дейди «Бухоротуризм» акциядорлик жамиятининг ижрочи директори Аҳмад Хусайнов. — Ўндан зиёд сайёҳ-

лик ташкилоти, олтмишдан ортиқ меҳмонхона сайёҳларга юқори сифатли хизмат кўрсатмоқда. Қадимий обидалар, Лабиҳовуз атрофидаги мадрасаю карвонсаройлар сайёҳлар каби хунармандлик турлари, халқ амалий санъати жадал ривожланмоқда. Минглаб ёшлар, хотин-қизлар иш билан таъминланмоқда. Хизмат кўрсатиш сифатини янада юксалтириш мақсадида «Ўзбектуризм» миллий компанияси ҳузуридаги Республика илмий-ўқув консалтинг маркази билан ҳамкорликда иш олиб бораёмиз. Гид-таржимонлар, ошпазлар, официантлар ва бошқа ходимлар учун ўқув курслари ташкил қилинмоқда.

Япония, Франция, Германия, Австрия, Англия, АҚШ, Хитой, Малайзия, Индонезия сингари ўнлаб мамлакатлардан келаётган хорижий сайёҳларга вилоятнинг тарихий-маданий ёдгорликлари, муқаддас зиёратгоҳлари, халқ амалий ва тасвирий санъат музейларини ўз ичига олган туристик йўналишлар тақлиф этилмоқда. Илгари сайёҳларга фақат Бухоро шаҳридаги меъморий обидалар кўрсатилган бўлса, бугунги кунда Баҳоуддин Нақшбанд, Абдуллоҳиқ Гиждувоний, Ориф Ревгарий, Ромитаний, Бобойи Самосий меъморий мажмуаларини ўз ичига олган етти пир зиёратгоҳи, қадимий Пойкент шаҳристони ҳам туристик маршрутларга киритилди.

— Ўзбекистонга ташрифим давомидида узоқ тарихга эга Бухоро шаҳрини зиёрат қилиш имконига эга бўлганимдан жуда мамнунман, — дейди испаниялик сайёҳ Соня Эспозита хоним. — Бу ердаги тарихий обидаларнинг ўзига хослиги, ширинсухан меҳмондўст одамлар менда жуда катта меҳр уйғотди. Бир олам таассуротлар билан қайтганман. Серкуёш Ўзбекистон, унинг самимий инсонлари умрбод ёдимда қолади. Мен Бухорода кўрганларимни юртдошларимга албатта сўзлаб бераман.

Сайёҳлик саноатининг шаклланиши ва ривожланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик муҳим ўрин тутди. Бухорода ҳам бу соҳада хусусий секторнинг ўрни ва роли тобора ошиб бормоқда. Бугунги кунда улар ички ва ташқи туризмни ривожлантириш, янги туристик маршрутларни ишлаб чиқиш, тарихий-археологик боғлар барпо этиш, сайёҳлик объектилари атрофида сайёҳларга замонавий сервис хизмати кўрсатишда фаол иштирок этмоқда.

1992 йилда вилоятда иккита хусусий меҳмонхона сайёҳларга хизмат кўрсатган бўлса, ҳозир уларнинг сони элликдан ошади. «Лабиҳовуз», «Чорминор», «Нодирдевоубеги», «Порсо Файз», «Дарвозаи Моҳи Хосса» «Заргарон-Плаза», «Султон» сингари хусусий меҳмонхоналар шулар жумласидандир.

Мамлакатнинг туристик имкониятларини рўёбга чиқаришда ички туризмни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, ҳар қандай янги туристик маҳсулотга, аввало, маҳаллий сайёҳларда қизиқиш уйғотиб, сўнгга уни хорижда тақдим этиш анча самарали экани жаҳон тажрибасида кўп бор исботланган. Масалан, жаҳон туриндустриясида етакчи ўринни эгаллаётган Испанияда аҳолининг 90 фоизи ўз мамлакатидида саёҳат қилади.

Бухорога ҳам ҳар йили минглаб юртдошларимиз саёҳат қилади. Маҳалла кўмиталари, касаба уюшмалари, кичик бизнес субъектлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда мамлакатимизнинг барча ҳудудидан махсус турлар ташкил қилинаётир. Хусусан, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши қошида фаолият юритаётган туристик ташкилот билан ҳамкорликда талаба-ёшларнинг Бухорога саёҳати уюштирилаётир.

Қадимдан юксак ривожланган маданият ва илм-фани, қадимий обидалари, кўрки ва салобати билан барчани хайратга солиб келган Бухоро истиклол шарофати билан туризм марказига айланмоқда. Бу халқимиз фаровонлиги, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътиборини янада юксалтиришга хизмат қилади.

**Мадина УМАРОВА, ЎЗА мухбири**

# Жараён



**Мамлакатимизда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, қишлоқ жойларда тиббий хизмат сифатини янада ошириш мақсадида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар бераётган юксак самараларни Қашқадарё вилоятининг Деҳқонobod тумани мисолида ҳам кўриш мумкин.**

**Туман тиббиёт бирлашмасида юздан зиёд врач ва мингга яқин ҳамшира меҳнат қилади. Туман марказий касалхонаси капитал реконструкция қилиниб, 35 ўринли юқумли касалликлар бўлими биноси замонавий усулда барпо этилди. Кўп тармоқли поликлиниканинг янги биноси фойдаланишга топширилди. Мазкур муассасалар илгор тиббиёт усуналари билан жиҳозланди.**

**Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎЗА) олган суратлар.**



## Тиббий хизмат

# Инсон азиз

Юртимизда халқимиз саломатлиги доимий эътиборда

Қишлоқ давлат Дастури тўғрисида”ги Фармони билан мамлакатда соғлиқни сақлаш тизимида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди. Зеро, Давлат дастурининг қабул қилинишидан асосий мақсад ҳам мамлакатимизда тиббий хизматнинг ўзига хос миллий моделини шакллантириш, соҳа ривожини учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш, аҳолига жаҳон андозаси даражасида тиббий хизмат кўрсатиш иборатдир.

Мамлакатимиз тиббиёти қай даражада ривожланаётганини бугунги қишлоқ врачлик пункти-

лари мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин. Ҳатто давр моҳида юртимизда 3000 дан зиёд замонавий КВП (қишлоқ врачлик пункти)лари, оилавий поликлиникалар бунёд этилди, уларнинг фаолияти янада такомиллаштирилди. 1999 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда «Саломатлик-1», «Саломатлик-2» лойиҳалари ҳамкорлигида КВПларнинг инфратузилмаси тубдан яхшиланди. КВПлар аҳоли ишончига сазовор бўлаётган бундай пунктларда энди ўрта тиббиёт ходимлари эмас, балки олий маълумотли умумий амалиёт шифокорлари фаолият кўрсатмоқда.

Юртбошимизнинг 2011 йил 28 ноябрда «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилиниши тиббиёт соҳасида янада жиддий янгиланишлар сари ташланган улкан қадамлардан бири бўлди. Ушбу ҳужжатда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш, тиббиёт муассасалари фаолияти самарадорлигини ошириш, замонавий талаблар ва андозаларга мувофиқ аҳолига юқори сифатли тиббий ёрдам кўрсатишни таъминлаш билан боғлиқ бир қатор устувор вазифалар белгилаб берилди. Дарҳақиқат, мустақил йилларида энг юксак талабларга жавоб берадиган қишлоқ врачлик пунктлари, республика аҳолисининг маҳаллий дори воситалари ва тиббиёт буюмларига бўлган талаб-эҳтиёжини кенг-роқ қондириш мақсадида йўналтирилган. Бугунги кунда мамлакатимизда рақобатбардош дори воситаларининг барча қўриниши — таблеткалар, капсулалар, суртмалар, гален препаратлар, инъекцион ва инфузион эритмалар ва бошқа дори воситалари ишлаб чиқаришмоқда.

Албатта, бу каби ислохотларнинг изчил тартибда олиб борилиши мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимининг янада юксалиши, аҳоли саломатлиги даражасининг юқори босқичига кўтарилишига замин бўлмоқда.

залаш борасида кўрилаётган кенг қамровли ишлар туфайли оналар ва болалар ўлими уч барабар камайди. Бугунги кунда мазкур тиббиёт муассасаларининг юксак фаолияти юртимизда саломатлик кўрсаткичлари барқарор сақланиб туришида муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўтган йилгирма йил мобайнида одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, аёлларнинг умр кўриши эса 75 ёшгача ошди. «Save the children» («Болаларни асрайлик») халқаро ташкилоти томонидан тузилган жаҳон рейтингига Ўзбекистон болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида катта гамхўрлик кўрсатилаётган 161 мамлакат ичида етакчи ўн та мамлакат қаторидан жой олди.

Мамлакатимиз тиббиёти тизимиде олиб борилаётган ислохотларнинг яна бир йўналиши бу — фармацевтика соҳасидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 ноябрдаги «2011 йилгача бўлган даврда фармацевтика тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технология қайта жиҳозлаш Дастури тўғрисида»ги Қарори фармацевтика тармоғи корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларидан самарали ва оқилона фойдаланиш, экспортга йўналтирилган рақобатбардош фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, шунингдек, республика аҳолисининг маҳаллий дори воситалари ва тиббиёт буюмларига бўлган талаб-эҳтиёжини кенг-роқ қондириш мақсадида йўналтирилган. Бугунги кунда мамлакатимизда рақобатбардош дори воситаларининг барча қўриниши — таблеткалар, капсулалар, суртмалар, гален препаратлар, инъекцион ва инфузион эритмалар ва бошқа дори воситалари ишлаб чиқаришмоқда.

**Аида МУҲАММАДИЕВА**

## Қинғир ишнинг қийғи...

# Кечиримлик ва бағрикенглик

халқимизга хос фазилат

**Маълумки, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимидеги ислохотлар изчил давом этирилиб, фуқароларнинг субсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишига эришилмоқда. Бу борада жиноят қонунчилиги бошқичма-бошқич либераллаштирилаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, соҳа ислохотлари туб моҳиятига инсонпарварлик ва бағрикенглик тамойили синдирилган бўлиб, бу билан жиноят содир этган шахсларга нисбатан ҳам кечиримли бўлиш, уларни тўғри йўлга бошлаш орқали ўз хатосини тушуниб етишига кўмаклашишдек эзгу мақсадлар кўзда тутилган.**

Жорий йилнинг 6 март куни Жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг очик суд мажлисида қўрилган жиноят ишида ҳам ушбу эзгу мақсадлар ўз исботини топди.

Суд мажлисида 1985 йил 8 июлда Наманган шаҳрида турилган, миллият ўзбек, ўрта маълумотли, муқаддам судланмаган фуқаро Муродбек Джурабаевга нисбатан жиноят иши қўриб чиқилди. Ишда тўплаган далиллар ва кўрсатмалардан маълум бўлишича, М.Джурабаев 2011 йил 26 июлдан бошлаб «Al rauf mobail» МЧЖ раҳбари лавозимда ишлаган ва ДТ «Халқ банки» Наманган вилоят филиалига қарашли амалиёт бўлими томонидан 2011 йил 19 октябрдаги кредит шартномасига асосан айланма маблағни ривожлантириш мақсадида 12 ой муддатга 30 000 000 сўм кредит маблағларини йиллик 18 фоиз устама тўлаш шарти билан олган. Лекин у кредит маблағларни бошқа ишларга сарф қилиб юборган. Шунингдек, жамият ҳисобчиси номидан барча расмий ҳужжатларга унинг имзосини ўхшатиб имзо қўйиб келган.

Бундан ташқари, кредит таъминоти сифатида гаровга қўйилган фуқаро Гулнора Мамбетовага тегишли «Ласетти» русумли автоматларини гаровдан олиб чиқиш мақсадида ДТ «Халқ банки» Наманган вилоят филиали амалиёт бўлими номидан 2012 йил 25 январдаги 22/0225/71/10-сонли сохта ҳужжатлар ва банкнинг гербли муҳрини компьютер қурилмаларидан фойдаланган ҳолда тайёрлаган. Ушбу ҳужжатларга банк бошқарувчиси, бош ҳисобчи вазифасини бажарувчи ва кредит бўлими мутахассиси имзоларини қалбакилаштириб, уларнинг имзосига ўхшатиб имзо

қўйган. Сохта ҳужжатларни Наманган шаҳар 3-сонли давлат нотариал идорасига тақдим қилган. Шу билан бирга, М.Джурабаев 2011 йилнинг 25 апрелидан 20 июнига қадар «Strong invest set» МЧЖ раҳбари лавозимда ишлаган ва шу вақт мобайнида ҳисоб рақам олиш мақсадида «Uz Paynet» МЧЖга тақдим этган карточкаларга компьютер қурилмаларидан фойдаланиб, турли юридик шахслар номлари ўрнига «Strong invest set» МЧЖ номини кўрсатиб, карточкаларни қалбакилаштирган.

Бу қилмишлари билан М.Джурабаев Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 167-моддаси 2-қисмининг «а, г» бандлари, 209-моддаси 2-қисмининг «а» бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор, деб топилди.

М.Джурабаев суд жараёнида аниқланган ҳолатлар тўғрисида, аниқ дамда банкдан олинган кредитнинг 8 800 000 сўмини қоплаганини ва қолган зарарни қоплашга ҳаракат қилаётганини ҳамда қилмишидан кин қингилдан пушаймонлигини баён қилиб, енгиллик берилишини сўради.

Албатта, кечиримлик халқимизга хос фазилат. Давлатимиз қонун-қоидалари бу каби инсонпарварлик нормалари билан йўғрилган М.Джурабаевнинг оғирини енгил қилди.

Суд ҳайъати судланувчи М.Джурабаевнинг содир этган жиноят ҳаракатлари унга оғир бўлмаган жиноятлар туркумига кириши, уни муқаддам судланганини, ушбу жиноятни амнистия акти қабул қилингунга қадар содир этганини ҳисобга олди. Хусусан, 2012 йил 5 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигини янги йилгига йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарорининг 2-бандида «Эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган шахслар, шунингдек, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун биринчи марта ҳукми қилинган шахслар жазодан озод қилинсин» деб белгиланган. Шунга қўра, М.Джурабаев жазодан озод қилинди, шунингдек, ундан ДТ «Халқ банк» Наманган вилоят филиали фойдасига 21 200 000 сўм ундирилиши белгиланди.

Мана шу кечиримлик нафақат М.Джурабаевни, балки тақдирини унга ўхшаган, адашган юртдошларимизни ҳам тўғри йўлга танлашига имкон берди. Ўйлаيمизки, улар бунинг қадрига етади. Имкониятдан тўғри фойдаланиб, оиласини ҳалол риқ билан боқад, юртига, халқига манфаат келтирадиган ишлар билан шуғулланади. Зеро, бундай гамхўрлик ишончини ҳалол меҳнат билан оқлаш лозим.

**Исмоил ИКРОМОВ**

Юртбошимизнинг 1998 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ

## Эълон

**«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ 2013 йил 5 сентябрга қуни бошлангич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибидеги очик аукцион савдоларини ўтказди!**

Аукцион савдоларига Тошкент ш., Миробод тумани, А.Темур шоҳ кўчаси, 3-уйда жойлашган Тошкент шаҳар Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармаси балансидаги 1996й. и/ч, д/р 10BD427, бошлангич нархи 2 941 100 сўм бўлган «Доган S» русумли; Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, Узғариш кўча, Кириш тор кўчаси, 32-уйда жойлашган «O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI KO'ZI OJLZLAR BOSMAHONASI» ДК балансидаги 1995й. и/ч, д/р 01/380QCA, бошлангич нархи 2 100 000 сўм бўлган «ГАЗ-31029» русумли; Тошкент ш., Миробод тумани, Матбуотчилар кўчаси, 32-уйда жойлашган ««PRAVDA VASTOKA» GAZETASI TASHKENT» ДК балансидаги 2005й. и/ч, д/р 01/484OBA, бошлангич нархи 14 378 400 сўм бўлган «Дамас DLX» русумли; Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, Ипакчи кўчаси, 1-уйда жойлашган Ўзбекистон ипакчилик илмий-тадқиқот институти балансидаги 1996й. и/ч, д/р 01/255MBA, бошлангич нархи 13 890 500 сўм бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситалари қўйилади.

Талабдорлардан буюртманомаларни қабул қилиш, расмий иш кунлариде мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан икки кун аввал соат 18-00да тўхтаилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошлангич нархнинг қамиди 20 фоизи микро-дарида зақалат пули «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖнинг АТБ «Ипотек-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо голибига савдо кунидан бошлаб йилгирма кун муддат ичида олди-сотиш шартномасини имзолаш, тўланган зақалат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо куниде сотилмаган тақдирда, улар бўйича тақоррий аукцион савдолари, улар сотилгунга қадар навбатдаги ҳафталарнинг ҳар пайшанба кунлари ўтказилади. Ушбу мол-мулкларга қизиқиш билдирган талабдорлар, уларнинг ҳолати билан сотувчи ташкилотларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилга бориб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларини соат 15-00да бошланади ва куйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-А-уй, 3-қават, 307-хона (Махжислар зали).

Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: 233-23-40; телефакс: 233-23-40, электрон почта: T\_UAS\_MCHJ@mail.ru.

Шунингдек, «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ томонидан 2013 йил 18 ва 25 июль кунлари ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра, «Газалкент» соғломлаштириш маркази балансидаги д/р 10/260MAA бўлган «Дамас» — 9 700 000 сўмга; Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси балансидаги д/р 01/356GAA бўлган «Нексия» — 13 000 000 сўмга; Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси марказий Кенгаши балансидаги д/р 01/778CCA бўлган «Нексия» — 29 000 000 сўмга; 1-Республика тиббиёт коллежи балансидаги д/р 01/177VA бўлган «Нексия» — 14 300 000 сўмга; «Тошметрокуриш трестининг механизация бошқармаси» ДК балансидаги д/р 01/692DBA бўлган «ГАЗ-31029» — 3 700 000 сўмга сотилганлиги ҳамда «O'ZBEKENGILSANOAT» ДАК «ISHLAR BOSHOQARMASI» Уқинг 2013 йил 26 июлдаги 39-сонли хатига асосан ушбу ташкилот балансидаги д/р 01/181DCA бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси аукцион савдоларидан олинганлиги маълум қилинади.

## Бизнинг шарҳ



# МИЛЛИЙ АССАМБЛЕЯ

**Франция пойтахти Париждан оқиб ўтувчи Сена дарёси чан соҳилдаги Тотувлик май-донни қаршида Пале-Бурбон саройи жойлашган. 1827 йилда бунёд этилган бинада Миллий Ассамблея — парламентнинг қуйи палатаси фаолият юритади. Сенатнинг бош қароргоҳи Люксембург саройида жойлашган бўлса, икккала палатанинг ялпи мажлиси Версада ўтказилади.**

Миллий Ассамблеяга 577 нафар депутат сайланган бўлиб, уларнинг ваколати 5 йил этиб белгиланган. Сенат эса 322 аъзодан иборат. Сенатор нисбий овоз бериш йўли билан 9 йил муддатга сайланса-да, уларнинг учдан бир қисми янгиланиб туради. Ҳуқмрон партия вакили миллий Ассамблея раиси ҳисобланади. Парламент қуйи палатаси вице-президенти эса бошқа партияга мансуб бўлиши белгиланган. Ўз навбатида мамлакат президенти парламентни тарқатиб, муддатдан аввал сайлов белгилаш ҳуқуқига эга.

Миллий Ассамблея депутатлигига 23 ёшга тўлган, сенатга эса 35 ёшни қаршилаган шахсларгина ўз номзодини илгари суриши мумкин. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, депутатликка номзод билан бирга унинг ўринбосари ҳам сайловда қатнашади. Борди-ю, депутат тўсатдан вафот этиб қолса, истеъфога чиқарилса ёки ҳуқу-

мат, конституциявий кенгаш аъзоси этиб сайланса, унинг ўрнини ўринбосари эгаллаши қонунда белгилаб қўйилган. Депутатликка ва унинг ўринбосарлигига номзод фақат битта округдан қўйилади. Шундай ҳолатлар бўлганки, 1971 йили А.Тьер 26 та департаментдан депутатликка сайланган экан. 1889 йили генерал Ж.Буланж мамлакатдаги барча сайлов округларидан ўз номзодини қўйиш ниятида бўлган. Эндилда бундай ноҳуш ҳолатларга чек қўйилди.

1985 йилдан бошлаб Миллий Ассамблеяга номзоди кўрсатилганлардан гаров пули олина бошланди, округда 5 фоизлик маррани эгаллаш олмаганларга маблағи қайтариб берилди. Францияда сайловлар 2 босқичда ташкил этилиб, энг кўп овоз тўплаган 2 номзодгина қурашни давом эттиради. Сенат эса 3 босқичли сайлов якунига кўра шакллантирилади. Ҳар бир департаментдаги коллегияга сенаторни сайлаш ҳуқуқи берилган. Сайлов коллегиясининг 108 миң аъзоси мавжуд. Шулардан қарийб 600 нафари депутат, 3 миңдан ортиғи бош ва минтақавий маслаҳатчилар, 104 миң нафари муниципалитет вакиллари. Миллий Ассамблеяни муддатдан аввал тарқатиш мумкин, аммо сенат учун бундай қонун-қоида амал қилмайди.

“Бешинчи республика” деб аталмиш Францияда парламент 1962, 1968, 1981 ва 1988 йилларда тарқатиб юборилган. Парламент аъзосига бир вақтнинг ўзида бошқа бир раҳбарлик лавозимида ишлашга йўл қўйилмайди. Молия, sanoat ёки савдо қорхоналарини реклама қилишда ўз исм-шарифини

кўллаш қатъиян тақиқланган. Назорат ишлари конституциявий кенгаш зиммасига юкланган. Ҳарбий хизматни ўтаётган парламент аъзоси палата бахмунозараларида иштирок эта олмас-да, делегация таркибиде овоз бериш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Миллий Ассамблея аъзоси имунитети — дахлсизлиги ҳақида сўз юритадиган бўлса, бу мақом сессия даврида кучга эга, баъзи ҳолатда палата томонидан бекор қилиниши ҳам мумкин. Сессияларо даврда жиноий иш очиб, ҳибса олиш масаласи палата бюросига боғлангандир. 1958-1990 йилларда 17 нафар депутат ва 6 нафар сенатор устидан жиноий иш кўзга шуксиз сўралган пайтда шулардан 5 та ҳолатда розилик берилган.

Ўз лавозимини бажаришга киришишдан 15 кун аввал қуйи палата аъзоси Миллий Ассамблея бюросига ўз мол-мулки ҳақида декларация тақдим этиши шарт. Бундан ташқари депутат ўз мандати тугашига бир ой қолганда, Миллий Ассамблея тарқатилгандан сўнг икки ҳафта давомида декларация тўлдирishi керак бўлади. Бу биринчи навбатда халқнинг ишончи вакилининг “молиявий пок”лигини таъминлашга қаратилган. Парламент аъзоларига шахсий котибият хара-

жатларини қоплаш учун тегишли маблағ ажратилади. Тарихий маълумотларга қараганда, 1988 йили ҳар бир сенаторнинг ўртача 3, депутатнинг эса 2 ходими бўлган. Парламент палаталари ходимлари “Фахрий легион” ордени ва бошқа мукофот-уновонлар билан тақдирланиши мумкин эмас ва тавсия этилмайди ҳам. Миллий Ассамблея раиси ва квесторлар палата биносиде, Сенат раиси эса Люксембург саройидаги қароргоҳда яшайди.

Палата раислари катта ваколатга эга бўлиб, мамлакат президенти курсиси бўшаб қолган тақдирда сенат раиси янги давлат раҳбари сайлангунча унинг вазифини бажариб туради. Президент ва Бош вазирдан сўнг сенат раиси учинчи шахс дея эътироф этилган. Миллий Ассамблея 20 та, сенатда эса 15 та фракция мавжуд. Ҳар бир палатада 6 тадан комиссия иш олиб боради. Парламент аъзолари 1958 йилдан, яъни янги конституция қабул қилингандан буён йилда икки марта таъин қилиниши аниқланган. Биринчи сессия 2 октябрда бошланиб 80 кунгача, иккинчиси 2 апрелда иш бошлаб, 90 кунгача давом этади.

Бош вазир фақуллода сессия чақиртиш ҳуқуқига эга. Палата сессиялари 1800 йилнинг январь ойида Наполеон Бано-

парт томонидан белгиланган тартиб-қоида асосида ўтказиб келинмоқда. Франция парламентида овоз беришнинг 5 тури йўлга қўйилган - қўл кўтариш, ўрнидан туриш, минбарда оdat-дагидек бюллетень орқали, бюллетень билан яширин, (яъни исм-шарифи кўрсатилмаган ҳолда) овоз бериш мумкин. Айни пайтда минбарда ва электрон техника орқали овоз бериш жараёни оммалашган. Парламент аъзолари Президент ва Бош вазир тақлифи билан амалдаги конституцияга ўзгартириш киритишга ҳақлидир.

Миллий Ассамблеянинг ўзига хос кучли “қуроли” бўлиб, бошқа мамлакатлардаги каби ҳукуматга ишончсизлик билдириш масаласини четга суриб, “танбех” орқали юқори лавозимли раҳбарларнинг истеъфога чиқаришга қодир. 1960-1990 йиллар мобайнида депутатлар 35 та танбех резолюциясини қўллаб, шундан биттасигина ўз кучини кўрсатди. Яъни, 1962 йилнинг 2 декабрида бош вазир Жорж Помпиду парламент томонидан истеъфога чиқарилган.

Яқинда Қуйи палата аъзолари Пале-Бурбон саройи пештоқидаги 3 рангли давлат байроғи ёнига 3 та асалари уясини ҳам жойлаштирди. Тахминан 5 миңта асалари йилига 150 килограмм атрофида бол йиғар экан. Миң дардга даво бу шифобахш маҳсулот мактаб ўқувчилари ошхонасига тарқатилмоқда. Парламент аъзоларидан 6 нафари асалари парвариши билан машғул. Парламентдаги асалариларни табиат билан мамлакат ички сибьсати уйғунлигининг тимсоли дея баҳолашмоқда.

Франция Миллий Ассамблеяси кун тартибига кўплаб долзарб масалалар қўйилади. Малига қарангуз ҳарбий хизматчиларини олиб кириш, инсонни камситувчи “ирк” иборасини қонунчилик терминидан олиб ташлаш, хотин-қизларнинг чодрада юришини тақиқловчи, олий таълим тўрисидаги, 43 йиллик танаффусдан сўнг Франциянинг яна НАТО сафига қайта кириши, ҳатто Франция футбол терма жамоасини мукофот пулидан маҳрум этиш, легионер уйинчиларнинг маҳаллий футболчилар билан тенг даромад солиғи тўлаши, компьютер қароқчиларининг интернет тармоғига яқинлаштирилмаслик, пенсия ва конституцияни ислоҳ қилиш борасида қатор қонун лойиҳалари муҳокама тасдиқланган.

Азимжон ПЎЛАТОВ

**Францияда аксарият давлатлар каби 18 ёшга тўлган фуқаролар сайловда қатнашиш ҳуқуқига эгаллиги қонунда белгилаб қўйилган. Аслида ҳар бир коммунада доимий яшовчиларнинг рўйхати тузилган бўлиб, у ҳар йили биринчи сентябрдан то келгуси йилнинг февралигача текшириб турилади. Қонунга кўра, сайловчи шахсан ўзи бориб овоз бериши даркор. Баъзи ҳолатларда ишонч қоғози орқали ҳам амалга оширилади.**

# ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

## Транспортлар тўқнашуви

**Швейцарияда поезд ҳалокатга учраган.**

Швейцарияда икки йўловчи ташувчи поезднинг тўқнашуви оқибатида 40 нафардан ортиқ одам жароҳатланди. Уларнинг 4 нафари оғир аҳволда. Тўқнашув Швейцария пойтахти Бернда 50 километр узокликда содир бўлган. Бир неча кун олдин Испанияда тезорар поезд ҳалокатга учраши оқибатида 79 киши ҳалок бўлган. Шунингдек, транспортлар билан боғлиқ яна бир нохуш ҳолат Италияда кузатилган. Мамлакат жанубида автобуснинг ҳалокатга учраши оқибатида қарийб 40 нафар йўловчи ҳалок бўлган.



## Тамаки ёнғинга сабаб бўлган

**Маълумотларга қараганда, мамлакатнинг Санта Мария шахридаги тунги клублардан биринида пиротехника воситаларидан ноҳўй фойдаланиш оқибатида катта ёнғин юзага келган.**

Натижада 300 нафарга яқин фуқаро жабрланган. Улардан 50 нафари оғир аҳволда шифохонага ётқизилган. Хабарларга кўра, мамлакат соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан клуб дирекцияси катта миқдорда жаримга тортилган.



## Ҳам парҳез, ҳам шифобахш

**Янги Зеландиялик олимларнинг сўзларига кўра, асал, гул чанги, асалари захри ёрдамида қон томирларининг кенгайиши, псориаз, артроз ва остеохондроз каби турли хил касалликларни даволаш мумкин.**

Уларнинг айтишича, асал таркибидеги организм учун жуда зарур бўлган темир, йод, цинк, кобальт, марганец, фтор каби ўттизга яқин микроэлементлар уйқусизлик, ошқозон-ичак хасталиклари ва шамоллашни ҳам табиий йўл билан даволаш, жигарни тазалаш имконини беради. Маълумотларга қараганда, микроэлементлар таркибига кўра асалнинг 30 фоизли эритмаси инсон қонидан тайёрланган плазма ўрнини ҳам боса олади. Боиси қон билан асалнинг кимёвий таркиби деярли бир хил. Шунинг учун ҳам асал парҳез таом ва шифобахшлик борасида тенгсиз ҳисобланади.



## Кўп ухлаш хотирани пасайтиради

**Калифорниядаги Беркли университети (АҚШ) олимлари ҳеч қандай психоневрологик касалликлар билан оғирмаган, ақлий қобилияти ҳам метёрда бўлган 15-20 ҳамда 60-70 ёшлар атрофидаги 29 нафар иштирокчиларни тақлиф қилдилар.**

Дастлаб тажрибада сўз бирикмаларини эслаб қолиб, бироздан сўнг уларни айнан ўзидек қилиб такрорлаш талаб этилди. Сўнгра иштирокчиларга ухлаш буюрилди. Бу вақтда уларни мия фаоллиги қайд қилиб борилди. Уйқудан сўнг ёдлаган сўзларини қайта такрорлаш орқали уларнинг мия фаоллиги қайта кузатилди. Кутилганидек, қарияларнинг берилган сўзларни ёдда сақлаши ёшларга нисбатан қийинроқ кечди. Кузатувлар жараёнида олимлар инсоннинг уйқудеги безовталиги қанчалик кучли бўлса, хотираси ҳам шунчалик пасайишини аниқлаб, зарур тавсияларни ишлаб чиқдилар.



Хориж хабарлари асосида тайёрланди

## Рангин дунё

**Европанинг маданий марказларидан бири — Австрияда Моцарт, Бетховен, Гайдн, Шуберт, Штраус каби буюк бастакорлар дунёга келди ва танилди. Мамлакат пойтахти Вена уларга ижодий қанот бахш этди. Венада уларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи музейлар жуда кўп. Бироқ, Австрияни дунёга маълум ва машҳур қилган ҳам, унга катта шўҳрат келтирган ҳам Вена санъат тарихи музейи бўлади. Бу каби музейлар дунёда санъат бўлиб, уларда антик даврга хос нодир коллекциялар сақланади.**

XIX аср охирида яхлит бир мажмуа сифатида шаклланган музей 1891 йили расман иш бошлади. Айнан ўша йили мамлакат императорларига тегишли санъат асарлари ва ноёб коллекциялар давлат мулки сифатида Австрия маданият вазирлиги тасарруфига ўтди. Вена санъат тарихи музейи биноси архитекторлар Г.Земпер ва К.Хазенәуэрнинг махсус лойиҳаси асосида бунёд этилган. Уларга музей учун ажратилган Хофбург қароргоҳини қайта таъмирлаш топширилди. Архитекторлар бинони барокок услубида реконструкция қилибгина қолмай, унинг ёнидаги бир нечта тарихий биноларни ўзаро бириктирган ҳолда ягона мейморий ансамблни ҳосил қилишга муваффақ бўлади.

Музей тарихига назар солар эканмиз, унинг коллекциялари орасида Габсбург императорлари тўплаган дурдона асарлар устунлик қилади. Чунки ушбу асарлар юксак дид ва савия билан ишланган. Габсбург императорлари санъатнинг қадрига етгани боис, бисотларида бебаҳо тасвирий санъат асарлари, заргарлик буюмлари, қурол-аслаҳа ва қадимий ашёлар жуда кўп бўлган. Қолаверса, ўша пайтнинг номдор расом ва ҳайкалтарошлари сарой залларида ижод қилишлари учун барча шароитлар яратилган.

Вена санъат тарихи музейида XVII асрга оид тож император Рудольф иккинчининг рақибларидан бири Трансильвания ҳукмдорига тегишлидир.

# Вена санъат тарихи музейи



Мазкур тож марказида катта-куч зумрадтош бўлиб, атрофини 188 та қимматбаҳо тош ва 214 та дур безаб туради. Рудольф II даврида тўплаган ноёб тасвирий санъат асарлари Тициан, Дюрер, Брейгел, Корреджо каби мўйқалам усталарининг ижод маҳсули бўлган. Табиийки, ушбу асарларнинг ҳар бири музейга катта шўҳрат ва обрў

олиб келган. Айниқса, ўша даврда яратилган заргарлик намуналари, қимматбаҳо буюм ва қадимги астрономик асбоб-ускуналар бугунги кунда ҳам баёбоҳ ҳисобланади.

Габсбург императорлар сулоласининг кейинги вакиллари ҳам сарой галереяларини бадиий асарлар билан бойитишда давом этишган. Мамлакатдаги бар-

ча сарой ва қасрлардан келтирилган санъат асарлари бир жойга тўпланиши натижасида музейнинг ҳозирги Картиналар галереясига асос солинади. Музей экспонатларига келсак, улар совға ва айирбошлаш орқали қўлга киритилган. XVIII асрда императорлар хазинаси яна бир йўл билан бойийди. Император Франц II укаси эрцгерцог Фер-

динанд (Тоскана ҳукмдорлиги бўлган) билан қариндошлиқ ришталарини мустаҳкамлаш эвазига Уффицидаги галереяда сақланаётган, италиян мактабига хос бир қатор тасвирий санъат дурдоналарига эга чиққан. XIX асрда Прагадан келтирилган ноёб асарлар ҳам бу борадаги бўшлиқни тўлдирди олди.

Музейнинг Картиналар галереясида қадимги усталар томонидан ишланган асарлар учун алоҳида жой ажратилган. Хусусан, XV-XVII асрларга оид нидерланд расомлик мактаби аъноаларини ўзида сақлаган санъат асарлари ҳозир ҳам музейнинг фахри ҳисобланади. Ушбу картиналарда инсоният тарихи, унинг ширин ва аччиқ қисмати ўз аксини топган. Картиналар галереяси музейнинг иккинчи ва учинчи қаватида жойлашган бўлиб, унинг тўла-тўқис шаклланишида Густав Глюк ва Людвиг фон Бальдас каби санъатшунослар хизмати катта бўлган. Айнан уларнинг сайъ-ҳаракати билан музей кам-кўсти тўлдирилади. Француз, голланд, музейнинг ҳозирги Картиналар галереясига асос солинади. XVI-XVIII асрларда яратилган энг ноёб дурдоналар сирасидан жой эгаллайди.

Айни пайтда музейнинг асосий залларида қадимги Миср ва Шарқ маданиятига оид тарихий

асёлар, антик санъат асарлари, шунингдек, таъна ва медаллардан иборат ўта ноёб коллекциялар кўргазма қилинмоқда. Ушбу қадимги буюмларнинг бир қисми Венага 1798 йили Наполеон армияси юриши чоғида келиб қолган. Уларнинг энг қадимги ва дастлабки музей томонидан XVI асрда, кейингилари эса XIX асрда харид қилинади. Ҳисоб-китобларга кўра, ўшанда қадимги Миср маданиятига оид буюмлар сони 4000 дан ошиб кетган. XX асрда эса бу каби буюмлар музейга экспедициялар натижасида олиб келинди. Бу ердаги барча буюмлар ўша даврга хос бўлиб, фиръавнлар портретлари, ҳайкалтарошлик намуналари ва ҳайванот олами акс этган тасвирларни кўриш мумкин. Бундан ташқари, экспозицияларда рельефлар тўплами, кичик мейморий намуналар, тош, бронза ва ёғочдан ишланган ҳайкалчалар, дахма ва дафн маросимида фойдаланиладиган идишлар, тумор ва тақинчоқлар намойиш этилган. Қадимги Миср учун ажратилган зал деворлари мейморийлар томонидан худди ўша даврга хос тарзда безатилган. Заллардаги учта гранит устун эрмизга қадар 1420 йили ясалган бўлиб, улардан табиийлик ва ўша давр нафаси шундоқина уфуриб туради.

Зафар МУҲАММАД

Маданият  
хабарлариСамарқанддан  
янграр Шарқ  
наволари

Шу йилнинг 25-30 август кунлари Самарқанд шаҳрида мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллик байрами арафасида IX аънавий «Шарқ тароналари» халқроқ фестивали ўтиши муносабати билан Миллий матбуот марказида анжуман бўлиб ўтди.

1997 йилдан Юртбошимиз ташаббуси билан қадимий Самарқандда «Шарқ тароналари» халқроқ мусиқа фестивали ўтказиб келинмоқда. Бу фестивални ўтказишдан мақсад турли халқлар миллий мусиқа санъати ўртасида таъриб-алмашишни йўлга қўйиш, миллий аънаваларни янада ривожлантириш, халқлар ўртасида мусиқа санъати орқали дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга ҳисса қўиши каби эзгу гоёларга хизмат қилишдир.

Ўтган давр мобайнида нафақат Шарқ мамлакатлари, балки бутун дунё санъаткорлари томонидан фестивал гоёлари қўллаб-қувватлаб келинмоқда. «Шарқ тароналари» дунёдаги энг нуфузли мусиқий форумлар орасида муносиб ўрин эгаллади. Фестиваль ЮНЕСКО томонидан Шарқ мусиқалари янграйдиган катта форум сифатида тан олинган ва унинг шафелигида ўтказиб келинмоқда.

«Шарқ тароналари» халқроқ мусиқа фестивали бугун дунёнинг барча қитъаларини қамраб олди. Жумладан, илк фестивалда 31 та мамлакат вакиллари иштирок этган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 56 тага етди. Бу йилги фестивалда 60 га яқин мамлакат вакиллари қатнашиш истагини билдирган.

Ҳозирги кунда фестивалнинг тантанали очилиш маросимига фольклор ва хореографик ансамбллар қизгин тайёргарлик кўрмоқда, амфи-театрни безатиш ва турли концерт дастурларини ташкиллаштириш учун маҳоратли режиссёрлар, санъаткорларнинг миллий кийимларини танлайдиган дизайнер-рассомлар жалб этилган.

Х.АБДУНАЗАРОВ

Қалбларда  
байрам шукуҳи

Навий вилоятда Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокимлиги, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, Қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ва бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур фестиваль доирасида қатор лойиҳалар тақдимотлари, интеллектуал мусобақалар, спорт беллашувлари, давра суҳбатлари, ижодий учрашувлар ва расмлар танлови ўтказилди. Фестивалда «Мустақиллик — менинг тасаввуримда», «Ёш шoirлар баҳси» каби танлов ва лойиҳаларда вилоят ёшлари иштирокдорлиги юртимизда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар қайси оила, бутун жамиятимиз ҳаётида тутган ўрни тўғрисида ўзларининг билим ва тасаввурларини намойиш этдилар. «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» шиори остида ўтказилган лойиҳада ёшлар кам таъминланган ва ўзгалар ёрдамига муҳтож инсонлар ҳолидан хабар олиб, уларга совғалар улашди.

## Миллий қадриятларимиз

## МУЗЕЙЛАР

ўзликни аниқлаш кўрсаткичи

*Халқнинг ўтмишини ўрганувчи, ўзликни аниқлаш кўрсаткичи, жамият маданий-маърифий ҳаётида алоҳида тарихий хотирани тиклаш ва мустаҳкамлашда музейларнинг аҳамияти беқиёс. Бу соҳада Президентимиз Ислам Каримовнинг 1998 йил 12 январдаги «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ва унинг бажарилишини таъминлашга қаратилган 1998 йил 5 мартдаги Вазирилар Маҳкамасининг «Музейлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш масалалари тўғрисида»ги қарори юртимизда музейлар ишини ривожлантириш истиқболларини белгилаб берди.*

Музейлар фаолиятини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида 1998 йилда «Ўзбекистон Республикасида музейлар ва музейшунослик ҳақидаги билим ва маданиятни оширишга хизмат қиладиган «Музейлар» журналининг таъсис этилди. 1999 йили музейларнинг асосий фонди 7544 та тарихий ва маданий ёдгорликлар билан бойиди.

Музей ўз вазифасига кўра илмий тадқиқот, маърифат, ўқув музейларига, йўналишига қараб эса тармоқ, ўлкашунослик ва мемориал музейларга бўлинади. Илмий тадқиқот музейида ўлкани ўрганиш, санъат, тарих, адабиёт тўғрисидаги маълумотлар, илмий асарлар нашр қилиш қиради. Тармоқ музейлари эса фан, санъатнинг бирор бир тармоғига тегишли йўналишларда фаолият юрита-

ди. Ўлкашунослик музейлари фақат битта маъмурий ҳудуд, унинг табиати, тарихи, ҳўжалиги, санъатини акс эттиради. Мемориал музей муҳим тарихий воқеалар, атоқли арбобларга бағишланади. Бугунги кунда мамлакатимиз ҳудудидаги турли муассаса, корхона, қурилиш ташкилотлари, шаҳар, туман, вилоят марказлари ҳамда халқ таълими тизимида 1200 дан ортиқ музейлар бор.

Мамлакатимизда Марказий Осиёда ягона бўлган Олимпия шон-шўхрат музейи 1996 йил 1 сентябрь кунини Тошкентда очилди. Бу музей ватанимиз спортчиларининг халқроқ ютуқларини акс эттирувчи ва спортни ривожлантирувчи марказ бўлиб қолди. Қолаверса, пойтахтимизнинг Юнусовд туманида шахид кетган аждодларимиз хотирасига бағишлаб «Қатағон қурбонлари музейи»



## Миллий мерос

## Заргарлик санъати

Миллий ва замонавий аънавалар уйғунлиги

*Мамлакатимиз истиқлолга эришган, халқимизнинг бир неча минг йиллик бой ва баҳо қилинган қадриятларини қайта тиклаш ва эзгу аънаваларимизни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада Республикаимиз хунарманд усталари томонидан ибратли ишлар олиб борилаётган. Халқ амалий-безак санъатининг заргарлик йўналишида узоқ йиллардан буён самарали меҳнат қилиб келаётган уста заргар Фасихиддин Дадамұхамедов билан ана шу ҳақда суҳбатлашдик.*

— Заргарлик санъатининг ўзига хос тарихи бор...

— Дарҳақиқат, миллий заргарлик санъати қадимдан мавжуд бўлиб, халқ амалий - безак санъатининг энг гўзал ва оммалашган турига қиради. Республикаимизнинг кўпгина музейларида сақланаётган топилмалар юртимизда миллоддан аввалги ва миллодий даврларда заргарлик санъати ривож топганини кўрсатади. Айниқса, Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Хива, Қўқон ва Шаҳрисабзда заргарлик бениҳоя ривожланган.

— Истиқлол туғайли юртимизда халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатининг ривожланишига катта эътибор қаратилганлиги хунарманд усталар учун кенг имкониятлар эшигини очиб берди. Буни сезинган фаолиятининг мисолида ҳам аққол кузатиш мумкин.

— Энг улуг, энг азиз неъмат — Мустақиллигимиз биз хунармандларга беқиёс имкониятлар берди. Шаҳсан ўзим 1998 йилда Президентимиз ташаббуслари билан таш-



кил этилган «Ўзбекистон Республикаси халқ устаси», деган шарафли унвонга биринчи-лар қаторида мушарраф бўлдим. Ўзбекистон Бадий академиясининг Бадий ижодкорлар уюшмаси ҳамда 2009 йилдан буён Фонд Форумнинг Ўзбекистон рассомлари, санъатшунослари ва халқ хунармандларининг «Ижод» уюшмаси аъзосиман. Республикаимиз ҳамда хориж давлатларида ташкил этилаётган бир қатор халқроқ ва миллий кўргазма ҳамда фестивалларда иштирок эта-ямиз. Масалан, 1990 йилда Санкт-Петербург шаҳрида Этнография музейида заргарлик ишларимдан иборат бўлган шахсий кўргазма намойиш этилди. 1995 йил БМТнинг 50 йиллигига бағишланган Республика кўргазмаси, 1996 йили Соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейига бағишлаб Францияда ўтказилган кўргазмада 20 дан ортиқ ишларим билан қатнашдим. 2000 йил «ЕХРО-2000» ва «ЕХРО-2005» халқроқ кўргазмасида, 2003 йил «Шу азиз Ватан барчамизники» фестивали ва яна бир қатор йирик кўргазма ва фестивалларда иштирок этдим. 2011 йилда Темурийлар тарихи Давлат музейи маъмурияти тақлифига биноан Санкт-Петербург шаҳридаги Эрмитаж Давлат му-



зейи барпо этилди. Ўзбекистон давлат санъат музейи Япония давлат гранти томонидан бегараз ажратилган 38,8 млн. иен пул маблағи ҳисобига таъмирланди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда умумий майдони 137150 кв.мни ташкил этадиган 510 та музей барпо этилди. Уларда 1,3 миллиондан ортиқ турли нодир экспонатлар сақланаётган ва аҳолига намойиш этилмоқда. Бухоро, Самарқанд ва Хива шаҳридаги 3 та музей-қўриқонада бутун дунёда энг нодир саналувчи тарихий ёдгорлик, меъморчилик обида, монументал санъат асарлари сақлаб келинмоқда.

Мухтасар айтганда, жамиятимиз сиёсий, маданий ҳаётида маънан баркамол, ақдан етуқ, ватанга фидойи ёшларни тарбиялашда музейлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

**З.АХМЕДОВ,  
СамДУ тарих-фалсафа  
факультети магистри**

зейида сақланаётган Амир Темурнинг набира келини Гавхаршодбегимнинг узук-муҳри ва Мироншоҳ Мирзога тегишли узук-муҳрининг нусхасини яратишга муваффақ бўлдим.

Яқинда Ўзбекистон Бадий академияси Камолитдин Бехзод мемориал бог-музейида «Гўзаллик оламида» деб номланган кўргазмада заргарлик ва безакли-декора-ция намуналаридан иборат бўлган ишларини намойишга қўйилди. Кўргазма очилишида тасвирий санъат ривожига қўшган ҳиссам учун Ўзбекистон Бадий академиясининг кумуш медали билан тақдирландим. Асарларимда миллий руҳ ва замонавийликка ургу беришга интиламман. Заргарлик буюмларини тайёрлашда аънавий шакллардан фойдаланиш ва уни янада бойитишга ҳаракат қиламан.

— Заргарлик санъатининг ривожланиш омили ва бу санъат турига ёшларнинг муносабати ҳақида ҳам тўхталасан?

— Бугунги кунда заргарлик санъатининг ривожланиши учун имкониятлар беқиёс деса-сам муболаға қилмаган бўламан. Энг аввало, заргарлик санъатида ишлатиладиган хом ашё ўзимизда ишлаб чиқарилади ва тайёрланади. Яна бир муҳим омил — заргар усталарнинг ихтисослашуви вужудга келяпти. Гулорин Йўлдосова, Мухиддин Назирхон, Шарофуддин Низомов, Гулнара Тошева, Меҳриддин Холиқов каби усталаримиз заргарлик аънаваларини ўрганиш, ривожлантириш ва янги йўналишларни кашф этиш борасида изланишлар олиб бормоқдалар.

Миллий хунармандчилигимизнинг санъат даражасига кўтарилишида «устоз-шогирд» аънаеси муҳим ўрин тутати. Шаҳсан менга пойтахтимиздаги амалий санъат музейида ишлаб юрган кезларимда Ўзбекистон Бадий академиясининг академиги устоз Нибёзали Холматов сабоқ ва маслаҳатлар берганлар. Ёшларимиз миллий заргарлик аънаваларини пухта эгаллашлари ва уни янада бойитишга мудом интилишлари лозим. Шу боис, бежирим ва нафис бўлган заргарлик санъати сирларини қўллаб ёшларимизга имкони борича ўргатиб келаяман. Ёшлар нафақат касбимиз, санъатимиз, балки келажагимиз давомчилари ҳамдир.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

## ҲИҚМАТ

*Ўз истеъдодлари билан донг таратган кишилар вақтларини ўзлари ва авлодларига ҳурмат келтирадиган қилиб сарфлашлари керак. Агар авлодларга ҳеч нарса қолдирмасак, улар биз ҳақимизда нима деб ўйлашлари мумкин.*

Д.Дидро

## ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

## Доривор ширинмия

Ширинмия доривор ўсимлик сифатида жуда қадим замонлардан маълум. Буюк бобокалонимиз Абу Али ибн Сино ўзининг даволаш амалиётида ширинмиянинг ер остки қис-мларидан кенг миқёсда фойдаланган. Жумладан, ошқозон-ичак аралари, ўпка ва нафас йўллари касалликларини даволашда доривор восита сифатида ишлатилган.

Замонавий табобатда ҳам бу ўсимликнинг ўрни беқиёс бўлиб, фармацевтика саноати корхоналарида қайта ишланиб турли хил дори воситалари ишлаб чиқарилаётган. Республикаимиз ҳудудида ширинмия типик тўқай ўсимлиги ҳисобланиб, асосан Сирдарё ва Амударёнинг қуйи қис-мларида учрайди. Ширинмия поликарп ўт ўсимлиги бўлиб, поялари яхши ривожланган цилиндрсимон тузилишга эга. Поя тар-кибида 11-18% протеин, 10-15% оксил-лар, 3,3-9,1% ёғ ва бошқа фойдали бирик-малар мавжуд. Ер остки қисми пўстлоғи жигар рангли илди ва илди поялардан иборат бўлиб, узунлиги 180-200 см. атрофида қайд этилади. Илди ва илди пояларида глицирризин кислотаси — 3-24, глюкоза-8, сахароза-11, крах-мал-34, клетчатка-24 фоизгача учрайди. Бундан ташқари, ширинмия илди қайнатмаси асаб касалликлари, эски иситма, йўтал ва тутқанокни даволашда беназир ҳисобланади.



## БИЛАСИЗМИ?

Дания давлат гербида фил тасвирланган.


Шимоллий Американи макон тутган муқаддас кетсал куши ўзининг чиройи ва эрксеварлиги билан дунёга машҳур. Инини ҳам антика шаклда, икки тирқишли (бири кириш, иккинчиси чиқиш учун!) қилиб куради.

## ТУРФА ОЛАМ

## Туманли Альбион Помпеяси

ЛОНДОН ШАҲРИДА ҚАДИМГИ РИМ ДАВРИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЙИРК АРХЕОЛОГИК КАШФИЁТ ҚИЛИНДИ.

Олимлар шаҳарнинг қадимги Сити ҳудудида 10 мингга яқин тарихий ашёларга дуч келишган. Ернинг на-мили, қолаверса, топилмаларнинг органик материаллардан тайёрлан-гани боис бари аъло даражада сақ-ланган. Бундан илҳомланган археоло-логлар объектага «Шимоллий Пом-пея» номини беришди. Уларнинг ҳисоблашича, объект тарихи эра-мизга қадар 47-йилга бориб тақалади. Қазилмалар чоғида ёғоч уй ва устунлар, сув каналлари тизими, 250 дан ортиқ оёқ кийим ва уй-рўзгор буюмлари топилган. Бундан ташқари, топилмалар орасида рим гладиаторларига хос либос, тумор ва дубулгалар ҳам бор. Яна бир факт. Қазилма ишлари олиб борилган жой ўрнида бир пайтлар Митра маъбудий ибодатхонаси бўлган археологлан. «Шимоллий Помпея» топилмалари тез орада Лондон археоло-логия музейининг янги биносига намойиш этилиши кутилмоқда.



## Марра японларники

ЯПОН АЁЛЛАРИ УЗОҚ УМР КЎРИШ БЎЙИЧА ЯНА БИРИНЧИ ЎРИНГА ЧИҚИБ ОЛИШДИ.

Манбада келтирилишича, 2012 йили япон аёллари орасида умр давомийлиги тахминан 6 ойга ўсиб, 86,4 ёшни ташкил қилган. Фақат 2011 йилда Гонконг аёллари улардан ўзиб кетишди. Мутахассис-ларнинг маълумотига қараганда, ўша йили Японияда рўй берган табиий офатлар умр давомийлигига кескин таъсир кўрсатган. Натигада, ушбу рекорд гонконгликлар ҳисобига қайд қилинган эди. Ўтган йили нафақат япон аёллари, балки эркеклар орасида ҳам ўсиш кузатилган. Ҳозирда япон эркекларининг умр давомийлиги 79,9 ёшга етган. Ана шу кўрсаткичга кўра, япон эркеклари узоқ умр кўриш бўйича дунёда бешинчи ўринга чиқиб олишди. Мазкур категорияда биринчилик сан-мариниоликлар қўлида бўлса, кейинги ўринларда Исландия ва Швейцария эркеклари турибди.

**Зафар МУҲАММАД тайёрлади**

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони «Миллий тикланиш» гоёсининг асосий тамойиллари, «Тарғиботда нотиклик маҳорати», «Сайлов қонунчилигининг такомиллашуви ва сайлов технологиялари», «Тарғиботнинг замонавий усуллари» номли услубий қўлланмалар (ҳар бири 400 нусхадан иборат) нашр қилиш учун тендер эълон қилади.

**Мурожаат учун телефонлар: 239-45-77, 244-14-98**

Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети томонидан 2003 йилда Мураҳмедова Феруза Миролми кизига берилган В № 127139 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Сергели Тиббиёт коллежи томонидан Азимбоев Алтинбек Маҳмуджон ўғли номига берилган U № 343868 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Тошкент вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони халқ депутатлари Тошкент вилоти Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Абдужаббор Сайдуллаева онаси

**Мусаллам ва САЙДУЛЛАЕВАНING**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.